

Хабар

2
(695)-son

13-yanvar

www.xabar.cc.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2006

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan



**14 ЯНВАР – ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

Бу сонда:

3 бем ▾

**БАЙРАМНИ
МУНОСИБ
КУТИБ
ОЛАМИЗ**

7-10 бем ▾

ТВ-ДАСТУРЛАР



12 бем ▾

**ЕТМИШ
ЁШИНГИЗ
МУБОРАК,
УСТОЗ!**



14 бем ▾

**НОБАКОР
ФАРЗАНДДАН
АСРАСИН**



— сифат
рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернет

ҲАФТАЛИК ХАБАРЛАР

◆ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10-11 январ кунлари Қозоғистон Республикасида бўлиб, Президент Нурсултон Назарбоевнинг ўз вазифасини расман бажаришга киришишига бағишланган тантанали маросимда қатнашди.**

Президентлар Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар юзасидан фикр алмашар эканлар, ўзаро ҳамкорлик барча соҳаларда бундан буён ҳам изчил ривожланиб бораверишига ишонч билдирдилар.

◆ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири этиб тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони ва "Ғ.Т.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари — жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш Бош бошқармасининг бошлиғи этиб тайинлаш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.**

◆ **"Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

Фармонда ёзилишича, республика аҳолисининг бандлиги ва даромадлари барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларни ҳал этишда касаначиликнинг турли шакллари кенг ривожлантириш, жумладан, унинг йирик саноат корхоналари билан кооперациясини кенгайтиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Йирик саноат корхоналари билан касаначилар ўртасида кооперация алоқаларининг мустаҳкамланиши оила бюджети даромадларини оширишдек муҳим муаммони ҳал этади, иш билан банд бўлмаган аҳоли сонини кескин қисқартириш ва унинг фаол қисмини ишлаб чиқаришга жалб этиш имконини беради. Айни пайтда касаначиларнинг иш стажини ҳисоблаш, уларга пенсия ва ижтимоий сугурта бўйича нафақалар тайинлаш ҳуқуқи таъминланади.

◆ **Матбуотда "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Тошкент шаҳрида йўловчи транспортини ташкил этиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ҳамда "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори чоп этилди.**

◆ **Тошкентда Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислам Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро кўшма комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Кўшма комиссия мажлисида савдо алоқалари ҳажмини янада кенгайтириш учун бундан-да қулай шароит яратишга, ўзаро фойдала соҳалардаги амалий ҳамкорликни рағбатлантиришга, янги кўшма корхоналар ташкил этиш ва биргаликда турли сармоявий лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар атрофида муҳокама қилинди.

◆ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.**

Мажлисида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва қонунлар самарадорлигини янада оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

◆ **"ЭКОСАН" халқаро ташкилоти томонидан ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш орқали уларнинг экологик онг ва тафаккурини шакллантириш, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатликни сақлаш масалаларининг ечимига амалий ёндашиш ҳиссини тарбиялаш мақсадида "Ёшлик" талабалар шаҳарчасида "Ёш экологлар клуби" ташкил қилинди. Унга "ЭКОСАН" халқаро ташкилотининг талабалар шаҳарчасидаги ваколатхонаси мақоми берилди.**

Клуб тақдироти бағишлаб ўтказилган йиғилишда республикамиздаги барча олий ва ўрта-махсус ўқув юртиларида "Ёш экологлар клуби"ни ташкил қилиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

◆ **Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет катта театрида янги йил муносабати билан ўзбек-корейс мумтоз ва фольклор мусиқа кечаси ўтказилди. Ушбу тадбир икки халқ маданиятини янада яқинлаштириш мақсадида ташкил қилинди.**

ЙИЛ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексини 2005 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2006 йилда амалга ошириш лозим бўлган устувор вазифаларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат таъсирини қисқартириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молия ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, хизмат турларини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, телекоммуникациялар тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини қайта қуриш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани таъкидланди.

2005 йил натижалари бўйича 400,1 миллиард сўмлик, жумладан, алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида 374,1 миллиард сўмлик (2004 йилга нисбатан 132 фоизга

ўсиш), ахборот ва матбуот соҳасида 26 миллиард сўмлик (аввалги йилдагига нисбатан 115 фоизга ўсиш) хизмат кўрсатилди. 78,7 миллион доллар миқдорда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди.

Ҳисобот даврида мобил алоқа абонентларининг сони 1150 мингга етди. Ушбу кўрсаткич 2004 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравардан зиёдроққа ортди. Шу ўринда, тахлиллар республикада мобил алоқа турғун алоқага нисбатан тез суръатлар билан ривожланаётганини кўрсатди. Бу эса жаҳонда давом этаётган тенденцияларга мос ва ҳамоҳангдир.

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида рақобатнинг кучайиб бораётгани туфайли Интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони

855 мингга ташкил қилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги "Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида"ги қарорининг ижроси танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Мутасадди раҳбар ходимлар ушбу вазифаларни бажариш борасида масъулиятни янада ошириши лозимлиги таъкидланди.

Шуниингдек, йиғилишда ижро интизомини мустаҳкамлаш, идоралар раҳбарларининг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини ошириш, тайёрланаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатини яхшилаш, инвестиция ҳамда хусусийлаштириш дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Х.Дўстмухамедов иштирок этди.

ЎЗД

OBUNA - 2006

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА...

Йиллик обуна мавсуми якунланиб, галвир ҳам сувдан кўтарилди. Қишлоқ ҳўжалигида галла ёки пахта мавсуми қанчалик аҳамиятга эга бўлса, биз — матбуот вакиллари учун обуна мавсуми шундай аҳамиятга эга. Чунки обуна келгусидаги ишларимизни белгилаб беради.

"Хабар"га бу йилги обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишда Агентлик раҳбарияти, ҳудудий бошқармалар, "Ўзбектелеком" АҚ, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва уларнинг филиаллари, бошқа алоқа корхона ва ташкилотлари раҳбарларининг, шуниингдек, газетамизга хайрихоҳ, жонқуяр инсонларнинг хизматлари катта бўлди. Газета таҳририяти уларга ўзининг чексиз миннатдорчилигини билдиради.

Қуйида берилган жадвалдан кўришиб турибдики, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Фарғона ва Андижон вилоятлари обуначилари 1000лик доводан ўтишган. Қашқадарё вилояти алоқачилари ҳам ҳар доимгидек, газетамизга уюшқоқлик билан обуна бўлишган. Эътибор берган бўлсангиз, Қорақалпоғистон Респуб-

ликсининг обуна кўрсаткичлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам юқоридир. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, қорақалпоғистонлик ўқувчиларимизнинг аксарияти "Хабар"га бир йилга тўлиқ обуна бўлишди.

Муштарийларимиз орасида бир, уч ва олти ойга обуна бўлганлар сони ҳам анчагинани ташкил этади. Мисол учун, 139 нафар обуначи фақат январ ойига ёзилишган. Шуниингдек, 3611 нафар ўқувчи уч ойга, 6617 муштарий эса олти ойга обуна бўлишган. Умид қиламизки, бизнинг мухлисларимиз кейинги ойлارга ҳам обунани давом эттириб, "Хабар"ни мунтазам ўқиб боришади.

Яна шуни ёдингизга солиб ўтмоқчимизки, ҳамкасбларингиз, дўсту биродарларингиз орасида газетамизга обуна бўлишга улгурмаганлар бўлса, ҳар ойнинг йигирманчи санасигача ёзилиб, келгуси ойдан "Хабар"ни ўқишлари мумкин. Ўқувчиларимиз сафининг кенгайишига ўз ҳиссангизни қўшасиз, деган умиддамыз.

Таҳририят

"ХАБАР" ГАЗЕТАСИГА

2006 йил учун расмийлаштирилган обуна бўйича маълумот

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	янв.	фев.	март	апр.	май	июн	июл	авг.	сент.	окт.	нояб.	дек.
	1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1 Қорақалпоғистон Республикаси	1714	1714	1714	1522	1522	1522	1296	1296	1296	1296	1296	1296
2 Андижон	1056	1056	1035	542	542	542	314	314	314	314	314	314
3 Бухоро	450	435	427	387	386	386	277	277	277	277	277	277
4 Жиззах	282	282	282	173	172	172	36	35	35	35	35	35
5 Навоий	318	318	318	316	316	316	309	309	309	309	309	309
6 Наманган	330	325	325	135	135	135	81	81	81	81	81	81
7 Самарқанд	602	585	561	220	220	219	55	55	55	55	55	55
8 Сирдарё	342	334	334	311	310	310	25	25	25	25	25	25
9 Турхондарё	698	697	697	658	658	648	132	132	132	132	132	132
10 Тошкент	486	442	437	247	247	246	86	86	86	86	86	86
11 Тошкент шаҳри	1186	1186	1186	264	264	264	145	145	145	145	145	145
12 Фарғона	1131	1106	1103	857	857	857	525	525	525	525	525	525
13 Хоразм	413	413	391	280	279	279	148	148	145	144	132	132
14 Қашқадарё	966	942	901	451	451	451	59	59	59	57	57	57
ЖАМИ	9975	9836	9712	6364	6360	6358	3358	3357	3354	3352	3340	3340

14-YANVAR — VATAN HIMOYACHILARI KUNI

Республикаимиз Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 14 йиллиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси шахсий таркиби томонидан юқори кайфият билан кутиб олинмоқда.

БАЙРАМНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАМИЗ

Президентимизнинг 2005 йил 29 ноябрдаги "Ватан ҳимоячилари кунига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тўғрисида"ги Фармойишига ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2005 йил 11 декабрдаги 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тадбирларини ташкиллаштириш ва юқори савияда ўтказиш ҳақидаги буйруғига асосан Махсус авария-тиклаш бошқармасида байрам тадбирини ўтказиш режалари ишлаб чиқиладиган, ишчи гуруҳи тасдиқланди.

Маъмур режага мувофиқ бир қатор ташкилий ва тарбиявий ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Жумладан, Ватан ҳимоячилари кунига Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ташкил топганлигининг 14 йиллигини муносиб кутиб олиш ҳамда ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида тарбиявий ишларнинг асосий йўналиши — миллий истиқлол ғоясини, халқимизнинг мустақиллик йўлидаги фидойилигини, мамлакатимиз миллий мустақиллиги ҳимоясида Куролли Кучларимизнинг тугган ўрни ва ролини тарғиб этишга, ҳарбий хизматчиларни армияда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол қатнашчиси-

га айлантиришга, шахсий таркибининг маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик тарбиясини юксалтиришга, ҳарбий хизматчиларда Ватанимизнинг қуролли ҳимоячисига хос сифатларни мужассамлаштиришга, армия ва халқ яқдиллигини мустаҳкамлаш йўлида давлат ва жамоат ташкилотлари, ўз-ўзини бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳарбий хизмат нуфузини оширишга қаратилади.

Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик тизими ва тарбиявий ишлар соатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти — Куролли Кучларимиз Олий Бош қўмондонни И.Каримовнинг "Миллий армиямиз — мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир" номли китоби бўйича машғулотлар ва суҳбатлар бўлиб ўтди.

Ҳарбий қисмда "Ватанпарвар бўлиш, буюк аждодлар анъаналарини муносиб давом эттириш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!" мавзусида ҳуқуқий билимлар кунини «Масъулиятли ва юксак малакага эга бўлиш, Ватанни ишончли ҳимоя қилиш — ҳар бир ҳарбий хизматчининг бурчи!» мавзусида ижтимоий-сиёсий билимлар кунини сингаги байрам тадбирлари ўтказилди.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, ҳар йили байрамда ҳарбий хизматчилар учун "Очиқ эшиклар кунини" ташкил этилиши, қисмга аскарларнинг ота-оналари ва жамоатчилик вакиллари билан иборат меҳмонларнинг ташири буюриши анъаналарга айланган. Шу муносабат билан тантанали йиғилиш ўтказилиб, "Энг илгор қўшилма", "Энг илгор сержант", "Энг илгор гуруҳ командири", "Энг илгор баталион командири", "Энг илгор взвод командири" танловлари ҳам юқори савияда ташкил этилади. Шунингдек, шахсий таркиб учун байрам дастурхони ёзилиб, концертлар уюштирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ташкил топганлигига 14 йил тўлиши ҳамда Ватан ҳимоячилари кунини билан республикамизнинг барча ҳарбий хизматчилари ва фахрийларини Бошқарма раҳбарияти номидан чин кўнгилдан муборакбод этиб, Ватанимиз равақати йўлида олиб бораётган шарафли хизматларида улкан зафарлар тилаймиз.

Абдумажид САГАТОВ,
Бошқарма бошлигининг
тарбиявий ишлар бўйича
ўринбосари, подполковник

МАХСУС ФАКУЛТЕТ БИРИНЧИ

Республикаимиз Куролли Кучлари учун малакали алоқачи офицерлар тайёрлаб берадиган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Махсус факултети шахсий таркиби ҳам 14 январ — Ватан ҳимоячилари кунини кўтаринки руҳ билан кутиб олмақда. Факултет 2005 ўқув йилида мамлакатимиз Мудофаа вазирилик тасарруфидаги ҳарбий билим юртлари ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда биринчиликни қўлга киритди.



— Албатта, бу — шахсий таркибимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда жанговор тайёргарлик, ҳарбий интизом, умуман олганда, олдига қўйган вазифаларни бажариш бўйича юқори натижаларга эришаётганидан далолат беради, — дейди факултет бошлигининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Абдуллоқо Қўлдошев. — Ватан ҳимоячилари кунига катта соғва бўлган бу ютуғимиз барчамизни руҳлантириб юборди. Жорий ўқув йилида ҳам ушбу ўринни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

Дарҳақиқат, факултетнинг биринчиликни қўлга киритиши бежиз эмас. Бу ерда назарий машғулотлар амалиёт билан ўзаро уйғунликда олиб борилади. Таълим жараёнида техника, ахборот технологиялари ва воситаларини жорий этишга катта эътибор берилди. Барча ўқув хоналари керакли ҳарбий-техник ва алоқа воситалари билан жиҳозланган.

Шунингдек, шахсий таркибда ўтказиладиган ташкилий ва тарбиявий ишлар асосан мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг осойишталигини ҳимоя қилишга қодир миллий армиямизнинг жамятда тугган ўрнини омма орасида тарғиб этишга ҳамда унинг нуфузини оширишга, ёшларда Ватан ҳимояси касбига ҳурмат ва ҳавас уйғотишга қаратилади. Бу борада ҳам факултет жамоаси ўз олдида қўйган мақсадларига эришиб келмоқда.

Факултетда айни дамда саккиз йўналишда алоқачи офицерлар тайёрланмоқда. Ўқишлар Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда факултетда олиб борилади. Учинчи ва тўртинчи босқич курсантлари тушликкача университет профессор-ўқитувчиларидан ўз йўналишлари бўйича махсус фанлардан сабоқ олади. Тушликдан сўнг эса факултет биносида ҳарбий йўналишдаги дарсларга қатнашади.

— Мен Фарғона вилоятининг Учкўприк туманиданман, ҳозирда факултетнинг 3-босқич талабасиман, — дейди курсант Аҳмажон Абдуллаев. — Ҳарбий бўлишга болалигимдан қизиққанман. Келажақда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиш учун ҳаракат қилияман. Бу ерда нафақат ҳарбий ва

жисмоний, балки маънавий ва интеллектуал салоҳиятимизни ошириб боришимизга ҳам катта эътибор берилди. Бунинг учун барча шароитлар етарли. Компютер, Интернет хоналари, турли мавзудаги китобларга эга кутубхона ихтиёримизда. Мана, бир неча йилдирки, факултетимиз курсантларидан иборат жамоа "Иқтидор" телеуйинида муваффақиятли қатнашиб келяпти. Яқиндан бошлаб мен ҳам ушбу жамоага қўшилишим. Мақсадим — факултетимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиш.

Албатта, курсантларнинг ҳар томонлама камол топишида уларга таълим-тарбия бераётган ўқувчи-офицерларнинг хизматлари бекуёқсиз.

— Факултетимиз ўқувчиларининг барчаси малакали, ўз соҳаси бўйича етук мутахассислардир, — дейди Махсус факултетнинг "Радиоэлектронразведка ва кураш" кафедраси бошлиғи, подполковник Солиев Ҳожимуродов. — Мутахассислар талабалар онгида миллий истиқлол ғоясини шакллантириш, уларни она Ватанга садоқат ва ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга умумҳарбий, тактик ва ҳарбий-махсус фанлар бўйича ўқув машғулотларини олиб боришади. Шунингдек, дала-мақд ва махсус дарсларни, Давлат ва кириш имтиҳонларини ташкил этиб, ҳарбий ишлаб чиқариш амалиётларига ҳам раҳбарлик қилишади.

Қувонарлиси, сафимиз кейинги йилларда ҳарбий хизматни ўртаб қайтган ёки ҳарбий билим юртларини тамомлаган малакали офицерлар билан тўлиб борапти. Алижон Жалолов, Исқандар Арслонов, Ҳасанбой Норкулов, Зоҳид Ҳамроқулов, Ҳабибулло Олимов каби ҳарбийлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга, факултетимизни тамомлаган собиқ курсантларимиздан капитан Баҳодир Абдуллаев гуруҳ командири, катта лейтенант Икромжон Ҳожиёв эса 3-босқич бошлиғи бўлиб хизмат қилапти. Бу жараён, ўз навбатида, курсантларга билим беришда ижобий самаралар бермоқда.

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
uxxabar@mail.uz

ЭЛМИРА ТАНЛАГАН ЙЎЛ

Ҳарбий қисмларнинг алоқа бўлимида хизмат қилаётганлар орасида аёллар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Улар орасида Элмира Едиханованинг ҳам ўз ўрни бор. Зотан, у интизом ва зиммасидаги бурчга масъулият билан ёндашаётгани тўғрисида доимо кўзга ташланиб туради.

— Агар мен ишончли оқлаб, ўрناق кўрсата олаётган бўлсам, бунинг учун устозларимдан миннатдорман, — дейди Сурхондарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида хизмат қилаётган Элмира биз билан суҳбатда. — Чунки улар менга нотаниш бўлган соҳа тарзига мослашишимда яқиндан ёрдам беришди.



Дарҳақиқат, бир пайтлар котиба вазифасида ишлаб юрган Элмира Едиханова учун ҳарбий ҳаётга кириб келиш буткул янгилик эди. Тўғри, орзуда айб йўқ деганларидек, у ҳам ҳарбий қисмда хизмат қилаётган аёлларга ҳавасманд бўлган. Бир кун кўнглига тугиб юрган ниятини сержант Алла Тўйчиевага рўй-рост билдирди. Аллахон ҳам худди бу икковни кутиб юргандай, "Сафимиз кенгаши қани эди, эртага ҳеч иккиланмасдан қисм командири ҳузурига кир" деб қолди.

У маслаҳатга амал қилиб, ҳарбий қисм командирига мақсадини айтди. Командир "Ҳавас бошқа, иш бошқа" ҳикмати ҳарбий соҳада ҳам муҳим эканлигини алоҳида таъкидлади. Ўз навбатида Элмира ўша дастлабки дақиқалардаёқ масъулият ҳиссини сеза бошлади.

Ҳарбий шароитга кўникиш унинг учун осон кечмади. Шундай паллаларда сержантлар — Алла Тўйчиева ҳамда Лола Ганиеваларнинг тажрибасига таянди. Навбатчилик соатларида хушёрлик ва зийракликка интиди. Интилишлари зое кетмади. Кейинги саккиз йиллик фаолияти уни моҳир телеграфчи сифатида танитди.

Элмира Едиханова ҳарбий соҳадаги ислохотлар тобора чуқурлашиб бораётганлигидан мамнун. Негаки, профессионал армия шаклланаёт-

ган бир пайтда ўз ҳаёт йўлини танлашда адашмади. Ҳарбий алоқачи сифатида тинчлик барқарорлигини таъминлашга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқда. Қолаверса, муҳдатли ҳарбий хизматини ўташга келаётган ёшлар ҳар томонлама танлаб олинмоқда. Уларни кузатиш, кутиб олиш маросимлари байрамона ўтмоқда. Айниқса, аскарларнинг ҳарбий қасамд ёқиб қилиш маросими ота-оналар иштирокида ўтказилаётганлиги қувонарли ҳолдир. Яқинда тошкентлик Бахтиёр Баротов, Умиджон Бойназаров, фарғоналик Шўҳрат Мадрохимов, самарқандлик Шерзод Йўлдошевлар муҳдатли ҳарбий хизматни аъло даражада ўташга тантанали ваъда беришди. Элмира бундай ҳажонли тадбирларда иштирок этар экан, мустақил юрт ўғлонларининг шашти ва гуруридан бениҳоят хурсанд бўлади.

...Ҳарбий қисм командири, подполковник Шавкат Қўчқоров Ватан ҳимоячилари кунини муносабати билан бир гуруҳ офицерлар, шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбийлар ва аскарлар номини тилга олиб ўтди. Улар орасида борлиги учун Элмира Едиханова дилдан севиниб қўйди.


Нортожи ЗИЁЕВ
Сурхондарё вилояти

DUNYO BIR TUGMACHA-YU...

Yangiliklar Xabarlar Voqealar



ТУРКИЯДА "ПАРРАНДА ГРИППИ"



Уч нафар анқаралик "парранда гриппи"га чалинган. Анқара ҳоқими Камол Оналнинг айтишича, маҳаллий шифокорлар айна дамда икки нафар ёш бола ва бир эркада H5N1 вирусининг хавфли аломатлари борлигини тасдиқлашган.

Аммо туркиялик врачларнинг ташхиси ҳали Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (БССТ) мутахассислари томонидан инобатга олингани йўқ. Буюк Британиядаги махсус лабораториядаги текширувлар бунга аниқлик киритиши айтилмоқда. Вируслар борлиги тасдиқланса, касаллик Туркиянинг шимоли-шарқий вилоятларидан ташқарига ҳам тарқалганини билдиради.

Янги йилнинг дастлабки кунларида Туркиянинг шимоли-шарқидagi Ван шаҳарчасида бир оиланинг уч фарзанди ушбу касалликка йўлиққан эди. Уларнинг икки нафари вафот этганлиги БССТ томонидан расмий тасдиқланган. Айна дамда Ван шаҳарчаси шифохонасига "парранда гриппи" оққан йигирма нафар бемор келтирилган. Аммо уларнинг сони ошиб бормоқда. Шаҳарчага мамлакат соғлиқни сақлаш вазири Режеп Акдаг ҳамда БССТ вакиллари ташриф буюрди. Мамлакатнинг шимоли-ғарбидagi Бурса вилояти ҳам касалликнинг яна бир ўчоги бўлиб қолмоқда.

Маҳаллий шифокорлар ушбу касаллик уй ҳайвонларидан бир неча ҳолатда юқиши мумкинлигини маълум қилишмоқда. Дастлаб ёввойи ва уй паррандалари ягона инфекция тарқатувчилар ҳисобланган эди. Агар вирус кушлар эмас, балки сут эмизувчилар орқали ҳам тарқаладиган бўлса, унинг хавфи бир неча баробар ортиши мумкин.

РАФИҚ ҲАРИРИЙНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

Ўтган йилнинг июн ойидан Францияда сиёсий бошпана топган Суриянинг собиқ вице-президенти Абдул Ҳалим Хаддам Сурия президенти Башар Асадни Ливан собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлимида айбламоқда.



Ҳақиқатан ҳам Башар Асад буйруқ берганлигига ишонасизми?" деган саволга Хаддам шундай жавоб берган: "Бундай қарор фақат давлат бош раҳбари томонидан чиқарилиши мумкин. Чунки жиноятни кенг қўламда, моддий-техник жиҳатдан пухта уюштиришга хавфсизлик хизмати раҳбарларининг қурби етмайди". У, шунингдек, Башар Асаднинг қайниси Осиф Шавкат ва укаси Моҳир Асадни жиноятга шерикликда айблаган.

Бироқ Сурия армиясининг Ливанда сақланишига ашаддий муҳолиф бўлган, кўп йиллардан бери Францияда муҳожириликда яшаб келаётган Ливаннинг собиқ бош вазири ҳамда армия бош қўмондони Мишел Аун Хаддамнинг кўрсатмаларини бўхтон деб ҳисоблайди.

"Бугунги Суриядаги тузумни айблашга Хаддамнинг ҳақиқий йўқ, ҳолбуки 26 йил давомида у Ливандаги қонун бузилишларининг асосий ташкилотчиларидан бўлиб келди", — деди Аун. Шунингдек, у 2002 йилга қадар

Хаддам Суриянинг Ливанга доир масалалари билан шуғулланиб келганини, бу давр мобайнида кўплаб ливанлик таниқли сиёсий арбоблар, дин раҳнамолари, жумладан, икки президент ўлдириб кетилганлигини, аммо биророрта ҳам тергов ишлари қўзғатилмаганлигини таъкидлаган.

Хаддамнинг биринчи интервюсидан сўнг халқаро комиссия Башар Асад ва Сурия ташқи ишлар вазири Фаррух Шараадан тергов доирасида пайдо бўлган саволларга аниқлик киритиш учун ўз вакилларини қабул қилишни сўраган. Бироқ Башар Асад бу унинг президентлик шавъига ва мамлакат суверенитети таҳдид эканлигини билдириб, мурожаатга рад жавобини берган.

Маълумки, ливанлик сиёсий арбоб Рафиқ Ҳаририй ўтган йилнинг 14 февралда уюштирилган суиқасд натижасида ҳалок бўлган эди. Бу воқеа Ливанда кескин сиёсий инқирозни келтириб чиқарди ва 29 йил давомида мамлакатда турган Сурия армиясининг чиқиб кетишига сабаб бўлди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу жиноий ишни тафтиш қилиш мақсадида тузилган халқаро комиссияси суиқасдда Ливан ва Сурия хавфсизлик хизматлари бошлиқларининг қўли бор деган тўхтама келди.

УЧРАШУВ
ХАЛҚ БИЛАН АРМИЯ — АЖРАЛМАСДИР

Балоғат ёшига етган кўпгина йигитлар ҳарбий бўлишни орзу қилишади. Ватаннинг мард ўғлонлари бўлиб етишиш истагида армия сафида хизмат қилишга интилишади. Йигитлик бурчини ўташ инсонни ҳам руҳан, ҳам жисмонан чиниктиради. Аскар кийимини кийганларнинг ҳаракатлари вазминлашади, улар ҳар бир вазиятда аниқ ва мушоҳада билан иш юритадиган бўлишади, ҳаётга ҳам ўзгача қарай бошлайдилар.



Яқинда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан Хоразм вилояти ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари аскарлари билан учрашув ўтказилди. Учрашув ташкилотчилари — алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси ҳамда Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашларининг Хоразм вилоятидаги вакиллари. Мазкур ташкилотлар ходимлари ёш аскарларни қимматбахо совғалар ва спорт анжомлари билан тақдирлашди.

— Янги йил барчага яхшилик, тинч-тотувлик олиб келсин, — деди Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакили Зулфия Бобожонова. — Фарзандларимиз бизларни кўриқларкан, биз оналар хотиржамимиз, улар ҳақиқа дуо қиламиз. Аскарларимизнинг ҳарбий хизматларини аъло даражада ўтаб, ота-оналари бағрига соғ-саломат қайтишларига тилақдошимиз.

— Аскарлар ҳолидан хабар олгани келишганидан кўнглимиз тоғдай кўтарилди, — деди ҳарбий қисм бошлиғининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари, майор Таваккалжон Саидов шахсий таркиб номидан миннатдорчилик билдираркан. — Халқ билан армия бир-биридан ажралмас, жипс кучдир. Аскарларимиз халқ тинчлиги йўлида, Ватанимиз чегараларининг дахлсизлигини таъминлаб, ҳарбий билимларини эгаллашга, маҳоратларини оширишга интилишяпти. Улар ўз хизмат бурчларини сидқидилдан бажаришяпти.

Шунингдек, лейтенант Илём Абдувоҳидов, оддий аскар Хусан Тўхтаевлар ҳам халқ ишончини оқлашда бор куч-ғайратларини аямасликлари, Ватанни кўз қорачиқдек ҳимоя қилишга шай эканликларини билдирдилар.

Фарход МУҲАММАДИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз

Суратда: Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакили Зулфия БОБОЖОНОВА билан Автотранспорт ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг Хоразм вилоятидаги вакили Бахтиёр ИБРОҲИМОВлар аскарлар даврасида.

Унинг таъкидлашича, Ҳаририйга суиқасд уюштириш ҳақида шахсан Башар Асаднинг ўзи буйруқ берган. Жумладан, у Франциянинг "Европа 1" радиосига берган интервюсида "Ишончим комилки, ушбу жиноятни кўриб чиқаётган халқаро комиссия Асадни айбдор деб топади, чунки у Ҳаририй ўлимининг бош сабабчиси", деган.

Хаддам аввалроқ берган бошқа интервюсида Ҳаририйга унинг ўлимидан сал олдинроқ Башар Асад томонидан тазйиқлар бўлганини айтган эди. Энди у айбловини янада аниқроқ баён қилишга ўтди.

"Сиз Ҳаририйни йўқ қилишга

СИБИРДА СОВУҚ ҲАВО ҲУКМОН

Сибирнинг беш ҳудуди — Новосибирск, Томск ва Кемерово вилоятлари, Олтой ўлкаси ва ҳатто Жанубий Сибирда жойлашган Олтой Республикаси ҳам кучли совуқ оқимлар қуршовида қолди. Баъзи жойларда термометрнинг симоб устуни минус 50 даражагача тушиб кетган.

11 январь куни эрталаб Новосибирскда 30 даража совуқ эди. Новосибирск гидрометеорология маркази бошлиғи Людмила Воронина пайшанба куни (12 январь) бу кўрсаткич минус 44 — минус 48 даражага тушиб кетишини ва табиатдаги бундай кескинликка Ғарбий Сибир ҳудудига шимолдан кириб келган совуқ оқим сабаб бўлганини таъкидлаган.

Бундай шароитда аҳоли иситиш воситаларидан кўпроқ фойдалангани учун электр энергияси сарфи кўпаяди ва, табиийки, электр манбаларида бузилишлар кузатилиши мумкин.

Ҳозирги кунда мактабларда бошланғич синфлар учун дарслар бекор қилинган ҳамда машғулотлар вақти қисқартирилган.

Совуқ ҳаво ҳафта давомида сақланиб туради. Ҳарорат кўрсаткичи Томскнинг шимолида −50, Новосибирскда −40, Кузбассда эса −35 даражани ташкил этади.



Интернет материаллари асосида Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

NISHONDORLARIMIZ

2005 йилнинг 5 сентябр санаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Курманғали Каланов ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. Шу кун у мамлакатимиз Президентининг Фармонида кўра алоқа ва ахборотлаштириш тизимини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун «Шухрат» медали билан тақдирланди. Бу — тиниб-тинчимас инсон меҳнатининг улугланиши эди.



МЕҲНАТ МАРТАБА КЕЛТИРАР

Курманғали Молдағалиевич ўзининг 21 йиллик меҳнат фаолиятида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг ўзига хос масъулиятли, қийинчиликларга тўла йўлларини босиб ўтди. У 1984 йили Тошкент электротехника алоқа институтини муваффақиятли тугатиб, дастлаб Қорақалпоғистон алоқа ишлаб чиқариш бошқармасида шаҳарлараро автоматик телефон станцияси қурилишида техник-назоратчи сифатида иш бошлади.

1985 йили 3-шаҳарлараро автоматик телефон станцияси фойдаланишига топширилди ва Курманғали станция бошлиғи этиб тайинланди. Ушбу масъулиятли лавозимда саккиз йил фаолият юритди. Касбига бўлган меҳри, фидойилиги ҳисобга олиниб, унга 1993 йили Нукус шаҳарлараро телефон станциясининг бош муҳандиси вазифаси топширилди.

Алоқа хизматидан фойдаланишига эҳтиёж мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабхаларида тобора ортиб бораётганлигини чуқур англаган Қ.Каланов республика алоқа соҳа-

сини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшишга бел боғлади. 1995—2004 йилларда «Қорақалпоқ Телеком» филиалида техник директор бўлиб ишлаган пайтларида республика телекоммуникация тармоғини кенгайтириш ва замонавий техник воситалар билан таъминлашда Япониянинг ОЕСФ (JBIC) лойиҳаси бўйича қурилиш ишларида раҳбар сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 1 августдаги «2010 йилгача Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини ривожлантириш ва қайта таъмирлаш Миллий дастури тўғрисида»ги Қарори асосида Қорақалпоғистон Республикасида тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. «Ўзбектелеком» АКнинг 1996 йил 23 августдаги «Япония давлатининг «NTTI» фирмаси кредитидан фойдаланиш тўғрисида»ги қарорига асосан барча зарур бўлган маълумотларга «NTTI/Deotec» вакилларига тайёрлаб берилди. Курманғали Молдағалиевич раҳбарли-

гида биринчи навбатда қайта таъмирлаш ва кенгайтириш зарур бўлган объектлар аниқлаб, молиявий маблағларни тежаш мақсадида «Қорақалпоқ Телеком» филиалининг лойиҳа бўлими томонидан зона ичи ва станциялараро оптик-тонали кабел ётқириш бўйича лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

— Курманғали Молдағалиевич касбдошлари ва дўстларидан маслаҳатини, беғараз ёрдамини аямаслиги боис уларнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлган, — дейди «Қорақалпоқ Телеком» филиали директори Қайрат Таженов. — «Ўзбектелеком» АК кўмагида чет эл фирмалари таклифлари асосида янги тармоқ ташкил қилишни ўрганиш ишлари бошланди. Аналогий тизимларнинг рақамли тизимлар билан боғланиши, зона ичи ва станциялараро оқимлар сони, Нукус шаҳар станциялараро айлана алоқаси, рақамлар тизими, сигнализация турлари бўйича чизмалар ишлаб чиқилди. Линия ҳужжалигининг сифатини яхшилаш мақса-

дида RLU станциялари сонини кўпайтириш тавсия қилинди. Шу билан бир қаторда, монтаж ишларида иштирок этиш ва кейинчалик рақамли қурилмалардан фойдаланиш учун мутахассислар тайёрлаш ишлари бошланди. Ун нафар мутахассис Японияда ўқиб келди. Тошкент шаҳридаги «NEC» ўқув марказида, шунингдек, мазкур марказ мутахассислари жалб этилган ҳолда «Қорақалпоқ Телеком»

фон станцияси ўрнатилиб, зона ичи алоқаси учун 306 километрга оптик-тонали кабел лийниси ётқирилди. Бу айтишгагина осон. Аслида, шу ишларнинг ўз вақтида bajarиллиши учун кўп меҳнат қилинганлиги эътироф этиш керак.

— Бугунги кунда бутун дунёда алоқа соҳаси, ахборот-коммуникация технологиялари, компютер тармоқлари жадаллик билан ривожланипти, — дейди Курманғали Каланов. — Ҳудудий бошқарманинг биринчи галдаги вазифаси Республика Жўқорғи Кенгеси, ҳукумати ва бошқарув органилари билан ҳамкорликда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини тармоқлари жадаллик билан ривожлантириш таъминлашдан иборат. Бу вазифаларни бекаму қўст бажаришга интиляпти.

Курманғали Каланов Агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармасига раҳбар этиб тайинланган, унинг зиммасидаги ишлар масъулияти янада ортиди. У 2004 йил июн ойидан бошлаб JBIC лойиҳаси бўйича қурилиш ишларини назорат қилиб борди. Мазкур лойиҳа бўйича Қорақалпоғистон Республикасида 24 телевидение, 13 FM радио узаткичлари ўрнатилади.

У тиниб-тинчимаслиги, изланувчанлиги, меҳнатқашлиги билан эл-юрт ҳурматиға, юқори мартабаларға сазовор бўлаётир.

Қуватбой МАТЕКОВ

ТАҲРИРИЯТДАН: Эртага Курманғали Молдағалиевич Калановнинг туғилган кунини. Шу муносабат билан газетамиз жамоаси уни таваллуд айёми билан чин кўнгилдан муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, ишларида янги муваффақиятлар, оилавий хотиржамлик тилайди.

DAVLAT ALOQA INSPEKSIYASIDA

Ҳозирга қадар Самарқанд вилоятида Япониянинг халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) имтиёзли кредити ҳисобидан «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоғини реконструкция қилиш ва ривожлантириш (2-босқуч)» лойиҳаси асосида бошланган жами 189 километр оптик-тонали кабел ётқириш ишларининг 72 километрлиги бажарилди. Радиотелевизион узатишни такомиллаштириш мақсадида «NEC» компаниясининг 100 вт.ли ТВ узаткичлари Чўпонота, Каттакўрғон ва Нуробод РТМларда ўрнатилди. Чўпонота РТМга ТВ узаткичи ўрнатилиши баробарида ушбу объект реконструкция ҳам қилинди.

Бундан ташқари, вилоят аҳолисиға жаҳон андозлари даражасида сифатли алоқа хизматини ташкил этиш ҳамда алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатишни йўлга қўйиш мақсадида, Хитой Халқ Республикасининг «Эксим-банк»и кредити ҳисобига вилоятнинг 14та туманида жами 26592 сизимга ҳамда 10та шаҳар автоматлаштирилган телефон станцияларида 20672 сизимга мўлжалланган «Huawei Technologies Co. Ltd» компаниясининг рақамли телефон станцияларини монтаж қилиш ишларини ҳисобига етказилди. Телекоммуникация операторларининг миждозларға сифатли алоқа хизматлари кўрсатиш борасида телекоммуникация тармоғини ривожлантириш, модернизациялаш, реконструкция қилиш ишлари бўйича олиб бораётган сайё-ҳаракатлари ҳам мақсадға мувофиқ-

СОҲА РИВОЖИГА ТЎСҚИНЛИК ҚИЛАЁТГАН ИЛЛАТЛАР

Уларга барҳам бериш вақти келди!

дир. Шунга қарамадан, телефон носозликлари юзасидан абонентлар томонидан тушаётган шикоятлар айрим мансабдор шахслар эътиборидан четда қолаётгани ачинарли ҳолдир.

Бунга иккита мисол келтириб ўтайлик. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ва Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи номига Самарқанд шаҳридаги 315-АТСнинг бир гуруҳ абонентлари томонидан узоқ муддатдан буён телефонлари ишламаётганлиги тўғрисида ёзилган жамоа шикояти келиб тушган эди. Шунингдек, «Правда Востока» газетасининг 2005 йил 21 октябрдаги 205-сонида «Ни в какие ворота» рўқни остида Самарқанд шаҳри, «Фестивал» кўчаси, 54-уйда истиқомат қилувчи фуқаро Ф.Абдуллаевнинг уй телефони узоқ вақт давомида ишламаётганлиги тўғрисида «Опья» замолчат телефони» сарлавҳали мақола чоп этилди.

Юқоридаги жамоа шикояти Давлат алоқа инспекцияси ходимлари томонидан жойларға чиқиб ўрганилганида, 315-АТСнинг қурилиши жараёнида ишлар белгиланган меъёрларға риоя этилмаган ҳолда амалға оширилганлиги, АТС сигнализация тизими билан жиҳозланмаганлиги, доимий ҳаво босими остиға қўйилган ТПП 600x2 рўсумидаги магистрал кабелнинг ҳаво сарфи авария ҳолатида эканлиги, станциянинг усуналари ишнинг техник меъёрга келтирилиш ва носозликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари амалға оширилмаганлиги ҳамда мурожаатчиларнинг телефонлари ишламаётганлиги тўғрисида бюртмаларни қайд этиш дафтари юритилмаётганлиги маълум бўлди.

«Правда Востока» газетасида чоп этилган мақолани ўрганиш жараёнида 35-АТСда бир қанча камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, мурожаатчи томонидан телефон ишламаслиги тўғрисида берилган бюртма 2005 йилнинг 21 июлида келиб тушган бўлса-да, носозлик 2005 йилнинг 10 октябрида, яъни назорат муддатидан ўтказиб бартараф этилган. Фуқаро Ф.Абдуллаев телефони ишламаётганлиги тўғрисида «Ўзи-Самарқанд» филиалига бир неча бор мурожаат қилганлигиға қарамадан, унинг телефонини сошлаб бериш чоралари қирилмаган. Ҳатто Ф.Абдуллаевнинг телефони ишламаётганлиги тўғрисидаги бюртмалар абонент варақчаларида ҳам қайд этилмаган.

Шикоятларнинг барчаси алоқа хизмати кўрсатишдаги ўзибўларчилик, истемолчиларға ва уларнинг мурожаатлариға нисбатан мутасадди ходимларнинг беэътиборлиги оқибатида юзаға келган.

Баён этилган камчиликлар «Ўзи-Самарқанд» филиали томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги берган лицензия битими шартлари ҳамда Агентлигининг 2001 йил 22 январдаги 29-сонли буйруғи талабларининг бузилишиға йўл қўйилганлигини кўрсатиб турибди.

Ҳар иккала мурожаатни ўрганиш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан «Ўзи-Самарқанд» филиалига Давлат алоқа инспекцияси томонидан 2005 йил 10 ноябрдаги К-02/05-1855-сонли кўрсатма тақдим этилиб, унинг бажарилиши назоратға олинди. Камчиликларнинг келиб чиқиши-

ға йўл қўйганлиги учун «Ўзи-Самарқанд» филиали директорининг 2005 йил 24 октябрдаги 316-сонли буйруғи билан 35-АТС муҳандиси С.Тўрақулвоғга ҳайфсан ва электромонтёр И.Болтаевға ойлик маошидан 30 фоиз миқдорида жарима ундириш жазо чоралари қўрилди. «Ўзи-Самарқанд» филиали томонидан камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, унинг бажарилиши Самарқанд вилояти ДАИ томонидан назорат қилиб борилмоқда. Мазкур мурожаатларда келтирилган барча далиллар корхона айби билан келиб чиққанлиги ўрганишлар жараёнида исботланди ҳамда телефонларнинг ишламаган кунлари учун мурожаатчилар тўловлари қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Муаммоларни хал қилиш имкониятлари борми? Ҳа! Фақат бунинг учун жойлардаги мутасадди раҳбарлар ўзларининг ишға бўлган қарашлари ва муносабатларини ўзгартириб, зиммаларига юклатилган вазифаларға масъулият билан ёндашиб, ишбилармонлик қобилиятиға таянган ҳолда белгиланган қонун-қоида ва йўриқномалар асосида иш юритишлари зарур. Истемолчиларнинг ҳуқуқлариға, хизмат кўрсатиш сифатиға нисбатан ўғай кўз билан қараш замони аллақачонлар ўтди. Беписандлик ва бепарволик иллатлариға, ҳусусан, соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган бошқа камчиликларға барҳам бериш вақти келди!

Жунайдило МАНСУРОВ,
Самарқанд вилояти
ДАИ бошлиғи

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги «Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 458-сон Қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида Низом»га, 2005 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 155-сон Қарорига, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2005 йил 11 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 5 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 155-сон қарори ҳақида»ги 191-сон, 2005 йил 14 декабрдаги «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятларни лицензиялаш тўғрисида»ги 48-Л-сон буйруқларига асосан ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган қуйидаги лицензияларнинг амал қилиши тўхтатилди:

Лицензиатлар ва уларнинг лицензия рақами:

(Охири.Бошланғичи ўтган сонда)

Анисимов Дмитрий Вадимович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000690 рақамли;
Кадиров Фазилдин Фархатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000701 рақамли;
Султанхожжаев Рустам Муҳлисевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000722 рақамли;
Гафарбоков Отабек Улугбекович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000692 рақамли;
Турсунов Нуралим Нурмаатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000647 рақамли;
Дё Вячеслав Александрович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000700 рақамли;
Бакуни Мелине Сюниконна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000710 рақамли;
Раҳманбердиева Саира Талипбаевна (Тошкент вилояти), АА серияли 0000719 рақамли;
Ниязов Фотбек Наджатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000734 рақамли;
Турсунова Саналат Абидовна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000678 рақамли;
Наджимиддинов Рустам Рихисавич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000717 рақамли;
Убайдуллаев Фазилдин Хусанович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000732 рақамли;
Каримов Аҳмадjon Игамбердиевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000723 рақамли;
Мамарасулов Хусан Каюмович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000749 рақамли;
Даламирзаев Нурмирза (Тошкент вилояти), АА серияли 0000754 рақамли;
Исмаилов Теллан Сулейманович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000765 рақамли;
Рихисев Абдурашид Абдусатарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000767 рақамли;
Орипов Хусан Абдусаттарович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000768 рақамли;
Курбанов Хайрулла Бурханович (Тошкент вилояти), АА серияли 0000753 рақамли;
Аҳмедов Аҳмад Маҳмамович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000737 рақамли;
Сурикова Татьяна Алексеевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000782 рақамли;
Худойбекова Саодат Эркиновна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000786 рақамли;
Халбаев Олим Арапович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000788 рақамли;
Сарикова Шахноза Эргашевна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000792 рақамли;
Охременко Александр Николаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000800 рақамли;
Ким Светлана Ильинична (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000784 рақамли;
Назарова Лилия Киёновна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000783 рақамли;
Анарқуллов Шерзод Алишерович (Тошкент вилояти), АА серияли 0000703 рақамли;
Хайруллаев Хуршид Хабибуллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000747 рақамли;
Насриддинов Илхом Эркинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000813 рақамли;
Умаров Баҳодир Маҳмадович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000785 рақамли;
Алимхамедов Олимжон Бахтимуратович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000755 рақамли;
Пайзиев Дилмурод Маҳмадjonович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000818 рақамли;
Турсунов Раҳматулла Юсупович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000849 рақамли;
Ибрагимов Учқун Турсунович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000812 рақамли;
Тойчиев Ботир Мухитдинович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000801 рақамли;
Алимхамедов Олимжон Бахтимуратович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000814 рақамли;
Ким Владимир Афанасьевич (Тошкент вилояти), АА серияли 0000830 рақамли;
Кенжабаев Эълдор Кулмурзаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000840 рақамли;
Касимова Шахло Абдусамуковна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000862 рақамли;
Кадиров Абдугафур Буриевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000889 рақамли;
Юсупов Хамро Утамуратович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000894 рақамли;
Алиев Рустам Ринатович (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000895 рақамли;
Мусилов Хусан Зикруллаевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000918 рақамли;
Исаева Наргиза Турсуновна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000917 рақамли;
Шкурин Михаил Андреевич (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000881 рақамли;
Алиев Бахтиёр Курбандjonович (Тошкент вилояти), АА серияли 0000891 рақамли;
Рахимов Рашидан Абдуқодир ўғли (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000916 рақамли;
Турбанова Мария Александровна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000986 рақамли;
Пак Жанна Александровна (Тошкент шаҳри), АА серияли 0000919 рақамли;
Юсупов Расулjon Маҳмадjonович (Марҳамат шаҳри), АА серияли 0000635 рақамли;

Атабекова Галина Алимжановна (Андижон шаҳри), АА серияли 0000699 рақамли;
Эргашев Бахтиёр Атамуратович (Қарши шаҳри), АА серияли 0000146 рақамли;
Темиров Бобир Мустафасевич (Қарши шаҳри), АА серияли 0000760 рақамли;
Азизов Уткир Аминович (Қарши шаҳри), АА серияли 0000034 рақамли;
Аҳмедов Жамшид Зойирович (Жиззах вилояти), АА серияли 0000681 рақамли;
Абдураимов Тимур Абдукаҳарович (Жиззах шаҳри), РТ серияли 0000234 рақамли;
Иргашев Аҳмад Анварович (Навоий шаҳри), АА серияли 0000491 рақамли;
Абдулхайров Умарали Юнусович (Навоий вилояти), АА серияли 0000787 рақамли;
Аблякинов Илимдар Фарикович (Гулистон шаҳри), АА серияли 0000155 рақамли;
Игамбердиев Наимжон Набижонович (Сирдарё вилояти), АА серияли 0000602 рақамли;
Макарон Олег Александрович (Урганч шаҳри), АА серияли 0000549 рақамли;
Рахимов Бахтиёр Кузибасевич (Урганч шаҳри), АА серияли 0000769 рақамли;
Артиков Санжар Аҳмадович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000349 рақамли;
Фазилов Улугбек Абдурахимович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000523 рақамли;
Жумаев Санжар Шавкатович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000721 рақамли;
Каримов Баҳодирjon Умарович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000750 рақамли;
Мухитдинова Хилола Насретдиновна (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000748 рақамли;
Насиров Фуркат Викторович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000791 рақамли;
Султанова Зухра Усамановна (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000789 рақамли;
Султанова Оригул Туймуратовна (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000790 рақамли;
Темиров Обид Олимович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000865 рақамли;
Гулова Назифа Саликовна (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000843 рақамли;
Бердиев Умид Умарович (Бухоро шаҳри), АА серияли 0000880 рақамли;
Раҳманов Улугбек Баҳрамович (Наманган шаҳри), АА серияли 0000566 рақамли;
Ибрагимов Камолитдин Исроилjonович (Наманган шаҳри), АА серияли 0000608 рақамли;
Ризаев Баҳриддин Камолитдинович (Наманган шаҳри), АА серияли 0000844 рақамли;
Раимджанов Миркомил Мухтарjonович (Фарғона вилояти), АА серияли 0000527 рақамли;
Телушкина Галина Егоровна (Фарғона вилояти), АА серияли 0000866 рақамли;
Ибадуллаев Умар Фатхулласевич (Самарқанд вилояти), АА серияли 0000134 рақамли;
Эшмурадов Курбан (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000137 рақамли;
Рашидова Хилола Шуқруллаевна (Самарқанд вилояти), АА серияли 0000145 рақамли;
Пулатов Шухрат Закирович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000266 рақамли;
Расулов Аҳтам Олимович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000303 рақамли;
Кон Василий Борисович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000380 рақамли;
Ибрагимов Эмиль Аббас ўғли (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000379 рақамли;
Маҳмадjonов Бахтиёр Абдуқодирович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000019 рақамли;
Булатов Мерган Гафарович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000572 рақамли;
Набиев Алишер Рустамович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000589 рақамли;
Салоҳиддин Миршариф Шарофиддинович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000601 рақамли;
Асадов Шоҳрух Миршарифович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000599 рақамли;
Воҳидов Хушвахт Амонқодирович (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000588 рақамли;
Камолова Дилафруз Намозовна (Самарқанд шаҳри), АА серияли 0000646 рақамли;
алоқа соҳасига оид олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмалари ҳам бор. Мисол учун, унинг «Узатиш тизимларини лойиҳалаш ва техник эксплуатация қилиш», «Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси», «Радио ва алоқа», «Бирламчи алоқа тармоғига техник хизмат кўрсатишни автоматлаштириш» каби ўқув қўлланмалари ўзбек ва рус тилларида босиб чиқарилган.

Искандар Берганов ўқув машғулотларининг барча турларини замонавий услубда (амалий ўйинлар унсурларидан фойдаланган ҳолда) олиб борди. У кафедранинг етакчи нотикларидан бири бўлиб, талабалар ва магистрантларга кафедра фанлари бўйича маърузалар ўқиди. Талабаларнинг диплом лойиҳаларига, битирув-малакавий ишларига ва магистрлик диссертацияларига муваффақиятли раҳбарлик қилди. Унинг бошчилигида юздан ортик муҳандис, 30дан ортик бакалавр ва 10 нафар магистр тайёрланди.

Шунингдек, у илмий раҳбар сифатида Москва, Санкт-Петербург, Узловая (Тула вилояти, Россия) шаҳарларининг илмий-тадқиқот институтлари ва заводларида хўжалик ҳисобидаги шартномавий ишларни бажаришда фаол иштирок этган. 1984 йилда оптик кабел магис-

тралари учун телебошқарув ва хизмат алоқаси тизимини ишлаб чиққанлиги учун собиқ Иттифок Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг кумуш медалига сазовор бўлган.

Унинг раҳбарлигида М.Бахтиёров, М.Акилханова, В.Сморшевский ва В.Чанишевлар номзодлик диссертацияларини тайёрлаб, муваффақиятли ёқладилар. Шунингдек, у Р.Исаев, Б.Маҳкамжонов, С.Урсов ва бошқа аспирантларга ҳам илмий маслаҳатчилик қилди.

У ўзи таълим олган ўқув даргоҳида ишлаб жамоат ишларида ҳам фаол қатнашди. Институт илмий-техник кенгашининг аъзоси, диссертацияларни ҳимоя қилиш бўйича ва ўқув-услубий кенгашлар аъзоси бўлди.

Ҳалол ва фидокорона меҳнатлари учун «Мустақиллик» медал, Ўзбекистон алоқа вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» ва «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан мукофотланган.

Ҳозирги вақтда Искандар Берганов Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида илмий маслаҳатчи вазифасида, шунингдек, соҳанин «Алоқа дунёси» илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодиёт ва ахборот-таҳлилий журнални Бош муҳаррирининг ўринбосари лавозимида фаолият юритмоқда.

Хурматли устозимиз Искандар Берганов яқинда муборак 70 ёшга қарши олди. Ушбу кутлуғ сана билан у кишини самимий табриқлаймиз. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва ёш мутахассисларни тайёрлашдек фидокорона ишларида муваффақиятлар тилаймиз!

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази ва «Алоқа дунёси» журнали жамоалари

ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Талабаларнинг таътил даврида дам олишларининг ташкилий ва мафқуравий-молиявий Дастури» асосида талабалар билан ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар, спорт мусобақалари, экологик тадбирлар, университет ректори билан бевосита мулоқотлар ўтказиб келинмоқда.

Иқтисодиёт ва бошқарув факультетининг ҳам дастур асосида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Талабаларнинг баҳс-мунозараларига кириша олиш кўникмаларини ривожлантириш, мустақил фикр юритиш ва фаол фуқаролик жабаҳсини шакллантириш мақсадида диспут-клублар ташкил этилди. Ҳозирги кундаги муҳим мавзу ва муаммолар талабалар муҳокамасига қўйилди. Факультет тасарруфидаги кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари томонидан ўқилган маърузалар талабаларни баҳс-мунозараларга қорлади. Айниқса, «Менеджмент ва маркетинг» кафедраси доценти М.Содиқовнинг «Ақмиология — ҳаёт чўққиси», «Ўзбек ва рус тиллари» кафедраси доцентлари Ф.Юлдашева, Р.Қобулова, ассистент А.Хусановларнинг «Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида», «Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» кафедраси катта ўқитувчилари —Х.Каримов, У.Асоевларнинг «Ҳуқуқий саводхонликни ошириш — давр талаби» мавзуларидаги маърузалари талабаларда қизиқиш уйғотди. Университет ҳуқуқшуноси Р.Бикмаматова талабаларни қизиқтирган қатор ҳуқуқий-ижтимоий саволларга жавоб берди.


Ана шундай тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш талабаларда эркин фикрлаш қобилиятини шакллантириши шубҳасиз.

Дилфуза НУРМУХАМЕДОВА,
ТАТУ иқтисодиёт ва бошқарув факультети деканининг ўринбосари

ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Энг яхши расмлар танлови якунланди

Ўқувчи-ёшларнинг қишки таътил давомида мароқли дам олишларини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз бўйлаб турли тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида бўлиб ўтди.



Филиал кўмағида ва «Нилуфар» ҳамда «Алоқачи» оромгоҳлари ташаббуси билан ўтказилган «Дунё болалар нигоҳида» расмлар танлови ҳақиқий байрам тантанасига айланиб кетди. Оромгоҳ тарбиячилари ва тарбияланувчилари томонидан намойиш этилган қўшиқ ва рақслар, театрлаштирилган сахна кўринишлари, Қорбобо ва Қорқизнинг тадбирда фаол иштирок этганларга совға-саломлар улашгани болажонлар ҳамда уларнинг ота-оналарида катта таассурот қолдирди.

— «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали томонидан «Нилуфар» ва «Алоқачи» оромгоҳларида дам олган болалар ижодига мансуб расмлар танлови ўтказилди, — дейди тадбир ташкилотчиларидан бири Надежда Ким. — Бугунги тадбирда ушбу танловнинг ғолибларини аниқладик. Энг яхши деб топилган расмлар оромгоҳлардаги деворий кўргазмалардан ўрин олади.

Тадбирда «ТШТТ» филиали директори Асрор Эшонхўжаев иштирок этиб, ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғаларини топширди.

Ўз муҳбиримиз

Катта лавозимдаги одамлар билан ҳазиллашишдан ёки уларнинг жигига тегиб қўйишдан худонинг ўзи асрасин экан. Сабаби, уларнинг табиати жуда нозик бўлади, билмасдан айтиб қўйган бир оғиз гапингиз учун умр бўйи азият чекиб юришингиз ҳеч гап эмас. Масалан...

Ёзувчи Дўстжон Маҳмуд сўнги ярим йилда илҳом келмаганидан ҳеч нарса ёза олмай юрган эди. Бир куни ярим кеча, эл ётганидан кейин, худо берди-ю, илҳом келди! Ёзувчи учун худонинг бергани шу-да — ёзаверди, ёзаверди, оқ қоғозлар тўлаверди, тўлаверди. Тизилишиб келаётган сўзларни ёзиб адо қилишининг ўзи мушкул эди. Адиб ҳам ёзаверди, ёзавер... Худди шу пайтда "лип" этиб, чирок ўчиб қолганини қаранг! Тошиб турган илҳомни ҳам бирдан сўнди-қолди...

Дўстжон Маҳмуд ана кутдимана кутди, чирок ёнавермади. Охири бўлмади, шам ёруғида телефон китобчасини топиб олиб, нақ... ГРЭС бошлигининг уйига кўнғирок қилди! Соат тунги учлар чамаси...

— Алё! Бу ГРЭС бошлигининг уйими?

— Ҳа.
— Сиз ўзимсиз?
— Ҳа.
— Уйингизда чирок ёниб турибдими?
— Ҳа.
— Менинг уйимда эса ўчиб қолди.

— Навбати билан ўчирилган бўлиши мумкин. Сал кутиб туринг, ёниб қолар...

— Леким менинг илҳомим сизнинг навбат деган сўзингизни тан олмайди-да. Эл ётган пайти илҳом тошиб келиб турган эди, буни қаранг. Айтгандай, мен ёзувчи Дўстжон Маҳмудман. Ярим йил ҳеч нарса ёзолмай юргандим, бугун бирдан илҳом келиб қолди-ю, ёзишга ўтирган эдим. Энди қайнаб ёзаётган пайтимда ўчиб қолгани алам қилади-да. Сизнинг уйингизда чирок бекордан-бекор ёниб турса-ю, менинг уйимда керак пайтида бўлмаса қизик-да!..

ГРЭС бошлиғи Дўстжон Маҳмуднинг турар жойи, кўчасининг номи, телефон рақамларига батафсил ёзиб олди-да, кечиктирмай чирокни ёқтириб беришга ваъда қилди.

Ваъдасининг устидан чиқди ҳам! Аммо ёзувчининг бояги қайнаб-тошиб турган илҳоми энди йўқ, тиниб қолган эди.

Эртасига у ўтган окшом чала қолган уйқусининг ҳиссасини чиқариш учун куннинг қизили кетмаёқ ухлаб қолди. Ширингина уйқуда ётган эди, телефоннинг жиринглаган овози уйғотиб юборди. Дастакни кўтарди-ю, соатига қаради: тунги уч...
— Алё, ёзувчи Дўстжон Маҳмуднинг уйими? — деган овоз

эшитилди дастакдан.

— Ҳа.
— Илҳом қалай? У-бу нарса ёзаяптисизми?

— Ёмон эмас, ёзилаётир...
— Чирок ёниб турибдими?
— Ёниб турибди.

— Мен... кеча сиз телефон қилган ГРЭС бошлигиман. Чирогингиз ўчмаслигига ваъда берганимдан кейин, ўзим кўнғирок қилиб, билиб қўяй деяпман...

— Раҳмат!

Овора бўлиб-сиз-да.

У й к у
б и р
бўли-
дими,
энди



(Ҳажвия)

уни ушлаш қийин. Дўстжон Маҳмуд ҳам шу ётишда анча вақт-гача у ёққа бир ағанаб, бу ёққа бир ағанаб, тонг отай деганда кўзи илинди. Кун бўйи ишда (нашриётда) эснай-эснай юрди.

Иккинчи кунги тунги учда телефон яна чириллади. Ававалига, туш кўраётганидан деган ишонч билан анча ётди. Телефон чириллайверди. У ётаверди. Ётаверди, ётаверди, охири туши эмас, ўнги эканига зарда қилиб, ўраниш турди.

— Ёзувчи Дўстжон Маҳмуднинг уйими? — деган овоз эшитилди дастакдан.

— Ҳа.
— Илҳом қалай?
— Ёмон эмас.
— Чирок ёниб турибдими?
— Ёниб турибди.

— Мен ГРЭС бошлигининг ўринбосариман. Сиздан аҳвол сўраш, уйингизда чирок ўчиб қолмаслиги учун кўз-қулоқ бўлиб туриш менга топширилган эди.

— Раҳмат...
Учинчи кунги ёзувчини хотини юлқилаб-юлқилаб уйғотди.

— Телефонда кимдир сизни сўраяпти!

— Ким экан у? — деди гарангсиз.

— Билмайман.
Дўстжон Маҳмуд гандирак-лаб бориб, дастакни кўтарди.

— Ёзувчи Дўстжон Маҳмудмисиз?

— Ҳа... Нима эди?
— Илҳом қалай?
— Ёмон эмас.

— Чирок ёниб турибдими?
— Ёниб турибди.
— Мен ГРЭСнинг бош му-

ҳандисиман. Сиздан аҳвол сўраш, чирогингиз ўчган-ўчмаганлигини билиш бугун менга топширилган эди...

— Раҳмат.
Тўртинчи кунги дастакни кўтараётиб соатига қаради: учдан икки дақиқа ўтган экан.

— Ёзувчи Дўстжон Маҳмуднинг уйими?
— Худди ўзи.
— Илҳом қалай?

— Зўр! Қайнаб ётибди!
— Чирок ёниб турибдими?
— Порлаб ёняпти!

— Мен ГРЭСнинг бош мутахассисиман. Сиздан аҳвол сўраб қўйиш, чирогингизнинг ўчиб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлиб туриш менга топширилган эди.

— Раҳмат.
Бешинчи кунги у тунги учгача ухламай, кўнғирок бўлишини кутиб ўтирди. Умиди пучга чиқмади, соат уч деганда телефон чириллади.

— Ёзувчи Дўстжон Маҳмуднинг уйими?
— Ҳа.
— Илҳом қалай?

— Зўр!
— Чирок...
— Ёниб турибди.

— Мен ГРЭСнинг етакчи мутахассисиман. Сиздан аҳвол сўраш ҳамда бугун чирок...

— Раҳмат, раҳмат!
Олтинчи куням худди белгилаб қўйилган вақтда телефон чириллади. Дўстжон Маҳмуд сўроқни кутиб турмасданок жавобни тўқиб ташлади:

— Бу ёзувчининг уйи, мен ўзиман, илҳом ёмон эмас, чирок ёниб турибди. Хўш... яна

қанақа маълумотлар қизиқтиради сизни?

— Шу етарли. Сиздан аҳвол сўраш навбати бугун менга келган экан, чирогингизнинг ўчиб қолмаслиги учун эҳтиёт бўлиб туриш менга топширилган. Мен ГРЭСнинг бош электрик-устасиман.

Еттинчи кунги Дўстжон Маҳмуд дастакни кўтарар-кўтармасдан бақирди:

— Мен ёзувчи Дўстжонман! Ўзимман! Илҳом зўр! Чирок ёниб турибди! Мени тинч қўйсанларми ё йўқми?!

— Узр, ога, узр, — телефондан мулоимгина овоз эшитилди. — Мен топши-

берганини сезиб, ичи шув этиб кетди. Дўстжоннинг сочлари тўзиб, кўзлари қизариб кетган эди. У бошлиқ қабулхонасига қадам босганидаёқ телефонларнинг биттаси жиринглай бошлади. Ёзувчи бир титранди-ю, учиб бориб директор олдидаги телефонни дастак-сими билан чангаллаб туриб, деворга урди. Аппарат чил-чил бўлиб синди. Директорнинг кўзи хонасидан чиқиб кетди. Бир ерда ётган телефонга, бир эса кўзлари чақчайган, қошлари пир-пир учаётган Дўстжонга қаради. Шу пайт иккинчи телефон жиринглаб қолди! Директор хай-хайлашга ҳам улгурмай, ёзувчи иккинчи телефонга чангал урди. Бу телефон ҳам деворга тегиб, майда-майда бўлди. Учинчи телефонни директорнинг ўзи сим-пими билан юлқилаб олди-да, ташқарига отилди. Дўстжон Маҳмуд унинг изидан қувиб чиқди.

Рўпарадаги хонада бухгалтер аёл ким биландир "жоним-жоним"лашиб турган экан. Дўстжон Маҳмуд бора-сола бухгалтер аёлнинг қўлидан телефонни тортиб олди-да, деворга қулоқ-қашлаб урган эди, телефон шўрлик ўчоққа тушади-ган кўмирдай парча-парча бўлиб кетди. Шу орада кимдир омон қолган телефонларнинг биридан "Тез ёрдам"га сим қокди. Худди шунги кутиб тургандай, уч нафар оқ кийимли ходим шипиллаб югуриб келди-да, Дўстжон Маҳмуднинг хай-хуйига қулоқ ҳам солмай, қўлоғини боғлаб, кўтариб олиб чиқашди. Ходимлардан бири рация орқали кимгадир:

— Ҳа-ҳа, ушлади! — деб суюнчилади. — Ўша, кўшилари-нинг телефонларини ҳам синдириб қиққан орам экан, ахирри топиб ушладик, ҳозир олиб борамиз, ўх!..

Табийёт ходими сўзини тугатмасдан, Дўстжон Маҳмуд бир силкинди-да, ходимлар қўлидан юлқиниб чиқиб, рацияни тепа кетди. Рация ҳам кунпаякун бўлди.

Шундай қилиб, у руҳий касалликлар шифохонасида ҳам иккита телефонни тегиб синдиришга муваффақ бўлди. Буларнинг барчасига сабаб — бундан ўн кунлар бурун катта лавозимдаги кишиларга телефон қилгани эди. "Уйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан" деган мақолнинг ҳикмати бу гал ҳам исботланди.

Гапингиз қисқаса шуки, катта лавозимдаги кишиларни бўлар-бўлмасга телефонда безовта қилиш ахшиликка олиб келмайди, уларнинг табиати жуда нозик бўлади...

Қорақалпоқчадан Музаффар АХМАД таржимаси

РЕКЛАМА

ВНИМАНИЮ АКЦИОНЕРОВ ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA»!

Список аффилированных лиц ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA» по состоянию на 05.01.2006 г.

Закрывтое акционерное общество «O'ZIMPEKSALOQA», расположенное по адресу г.Ташкент, ул. А.Темур, 24, настоящим сообщает о существенных фактах — об изменении в персональном составе должностных лиц.

Порядковый номер сообщения — 10.

Орган управления общества, в котором произошли изменения, — Исполнительный орган ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA».

ФИО лиц, избранных в коллегиальный исполнительный орган:

ИСРОИЛОВ Икрам Исмоилович, КОМАРДИНА Марина Николаевна, ХАЙРУТДИНОВА Нина Ивановна, ТИШКИНА Галина Александровна.

Дата, в которую произошли изменения — 05.01.2006 г.

Уполномоченный орган ЗАО «O'ZIMPEKSALOQA», принявший решение 05.01.2006 г. — Наблюдательный совет.

(В соответствии со ст.80 Закона Республики Узбекистан «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» протокол Наблюдательного совета от 05.01.2006 г. составлен 13.01.2006 г.)

№	ФИО аффилированного лица	Местонахождение и ИНН аффилированного лица	Кол-во принадлежащих аффилированному лицу акций	Основание, по которому лицо является аффилированным	Дата наступления факта, по которому лицо является аффилированным
1	Госкомучастие РУз	Г.Ташкент, ул. Узбекистанская, 55 ИНН 201122696	14 981 (51,0%)	Владение более 20% акций от уставного фонда ЗАО (Гос.активы)	03.10.2003г.
2	Аскарлов Р.А.	ИНН 101343764		Госповеренный, член Наблюдательного совета ЗАО	14.02.2005г.
3	Жучков А.И.	ИНН 460304576		Председатель Наблюдательного совета ЗАО	04.06.2002г.(26.05.2005г. переизбран на 2005г.)
4	Зависев Г.Ш.			Член Наблюдательного совета ЗАО	03.10.2003г.(избран на 2005 г.)
5	Алтамов Р.С.	ИНН 444694131	7 456 (25,40%)	Владение более 20% акций от уставного фонда	26.05.2005г.(избрана на 2005 год)
6	Исроилов И.И.	ИНН 448386678	100 (0,34%)	Генеральный директор ЗАО (председатель коллегиального исполнительного органа)	26.05.2005 г. (05.01.2006г. продлен договор найма на 2006 год)
7	Комардина М.Н.	ИНН 451714885		Член коллегиального исполнительного органа ЗАО (главный бухгалтер)	05.01.2006 г. (избрана на 2006 год)
8	Хайрутдинова Н.И.	ИНН 463242770		Член коллегиального исполнительного органа ЗАО (главный экономист)	05.01.2006 г. (избрана на 2006 год)
9	Тышкина Г.А.	ИНН 450021104		Член коллегиального исполнительного органа ЗАО (начальник службы)	05.01.2006 г. (избрана на 2006 год)

TURMUSH CHORRAHALARIDA

Менга жуда яқин бўлиб қолган Мансур ака исмли адвокат қадрдоним бор. У киши узоқ йиллар Жиззах вилоятида суд тизими идораларида ишлаган. Инсон тақдир билан боғлиқ ҳар хил ибратли воқеаларнинг, шунингдек, машъум ҳодисаларнинг кўп маротаба шохиди бўлган.

Бир куни у судда қўрилган ана шундай "иш"лардан бирини менинг қўлимга тутқазиб, танишиб чиқишимни ва шулар асосида бирон нарса ёзишимни маслаҳат берди. "Суд иши"ни ўқиб чиқиб, фарзандларнинг оталарига нисбатан бемехрлигидан ёқа ушладим.

"Фарзандларининг шундай тошбағир бўлишида балки отахоннинг ўзи сабабчидир?" дея у киши билан учрашишга жазм қилдим. Отахон билан учрашдим ҳам. Нуруний, соч-соқоли оппоқ, муомалали бир киши экан. Шундай инсондан оқпадар, баддуо фарзандлар туғилшига ишонмайсан ҳам киши. Аммо, начора, буларнинг бари бўлиб ўтган гаплар. Отахон бошидан кечган мудҳиш воқеаларни менга айтиб берди.

"... Ёшлигимизда кексаларнинг "Фарзандлар роҳатини кўргин" дея дуо қилганини кўп эшитганмиз. Бу дуода ҳикмат кўп экан. Бунинг маъноси мен ёшим бир жойга борганда англаб етдим. Агар фарзандларингиз эсли-ҳушли чикса — марра сизники, ноқобил бўлса, худо урди деяверинг. Ҳеч бир инсон бошига фарзандлари устидан арз қилишдек кўргулик тушмасин. Наиллоҳ, фарзандларим ноқобил чикди. Кексайиб, ёшим саксондан ошганда мени хор-зор қилишди. Ҳеч кимдан кўрмаган азоб-қубатларни улардан кўрдим.

Келинг воқеани бир бошдан сўзлаб берай.

Мен, Хасан Абдурашидов (баъзи сабабларга кўра исм-фамилиялар ўзгаририлди), асли Тошкент вилоятида туғилганман. Ҳозир Тошкент шаҳрида ашайман. Бир яшарлигимда отамдан етим қолиб, ўғай ота қўлида тарбияландим. У мени бироз эркалаб ўстирди. Мактабда ўқитди, вояга етказди. Жуда кўп жойларда техника соҳасида ишладим. 1947 йил — қаҳатчилик йилида уйландим. Икки ўғил ва тўрт қизлик бўлди. Уларни ўқитиб, олий маълумотли, уйли-жойли қилдик.

Ойнинг ўн беши қоронгу, ўн беши ёруғ дейишди. Моҳира қизим ўн йил турмуш қуриб, ажрашди ва уч нафар бола билан уйга қайтиб келди. Кўвими тузалмас касалга чалиниб, жиннихонага тушиб қолди. Бу тавишлар етмаганидек, 1989 йили кичик ўғлим Зухриддинни бир гуруҳ кимсалар Бекобод туманида ўлдиршиб, жасадини йўл четигада зовурга ташлаб кетишди. Унинг автомашинасини эса Гулистон шаҳрига олиб бориб сотишган экан. Қотиллар бир ой ичида қўлга тушди, жазоларини олишди. Аммо бу билан кўнглим таскин топмади. Фарзанд доғига чидай олмай қолдим. Узимни иш билан қалғити мақсадида кирга чиқиб, деҳқончилик қила бошладим. Етиштирган маҳсулотимни сотиб, пулига Моҳира қизимга Тошкент шаҳрининг чеккароғидан тўрт хоналик уй қуриб, уни болалари билан қўйиб бердим.

Ўлимизнинг ўлимидан сўнг хотиним куявериб қаттиқ касал бўлиб қолди ва 1994 йили вафот этди. Аёлим вафотидан кейин қўйналиб қолдим. Ошина-оғайнларим уйланишни маслаҳат беришди. 1997 йили фарғоналик тижоратчи, художўй бир аёлга уйландим. Унинг бир ўғли бор экан. Уни уйлантиришни ўз бўйинига олдим. Биз уч йил яхши ҳаёт кечирдик. Хотинимнинг акиси Россиянинг Томск шаҳридан қалиш келтириб беради. Биз эса уни "Отчопар"га сотардик. Ишларимиз анча юришиб кетди.

Кўз тегдим, нима бало бўлди-ю, 1998 йили тўрт қол қалиш йўқолди. Буни эса катта ўғлим Фуломжоннинг ўғли, яъни набирам ўмаргани маълум бўлди. У сотилгандан қолган қалишни олиб келди. Уша воқеадан кейин ўғлим билан орамизга низо тушди.

Фуломжон қизларим билан биргаликда мени янги оилам билан ўз уйимдан ҳайдаб чиқаришга ҳаракат қила бошлади. Улар ҳар хил баҳоналар билан жанжал чиқарадиган, хотинимни эса ҳақорат қиладиган бўлишди. Шу боис суд-

НОБАКОР ФАРЗАНДДАН АСРАСИН

(Қуйган кўнгли фарёди)

га муурожаат қилдим. Туман судидан вакиллар келиб, аҳволни текширишди. Натижада судя уй-жойни менинг номимга хатлаб берди ва "Ўғлингиз Фуломжон май ойи-гача уйингизда ижарада яшаб туради, ундан кейин бу ердан кўчиб кетадим", деди.

Бу воқеанинг эртаси кўни ўғлим Фуломжон маҳалла маҷитидан тўрт нафар улфатларимни бошлаб келиб, йиллаб туриб олди. Улар уй-жойнинг бир қисмини ўғлим Фуломжонга бўлиб беришимга мени кўндирди. Ўғлим ҳовлининг ўзига тегишли жойидан девор қўтариб, ҳужжатлаштириб олди. Мен ҳам ўз навбатида уйимнинг ўзимга тегишли қисмини хотиним Анзират Хушвақтовага ҳада қилиб, расмийлаштириб бердим. Бундан бохабар бўлган қизларим оқидан-оқич жангга киришишди. Ҳар кўни 2-3 марта телефон қилишиб, "уйни бўшат" деб бўлмағур гаплар билан мени хафа қилишди. Ўғай ўғлим — Шокиржон ҳайдовчиликка ўқийдиган бўлиб, тоғаларининг олдига — Фарғонага кетди. Олти ойдан кейин қайтиб келди. У бу ерда яшаши учун рўйхатдан ўтиши керак эди. Бунинг учун Тошкент шаҳар инки ишлар бош бошқармасига бориб, Шокиржоннинг паспортини доимий рўйхатдан ўтказиши учун рухсат олдим. Қизим Моҳира уй-жой коммунал хўжалиғига, паспорт бўлимида ишлаганлиги учун бундан хабардор бўлибди. Шокиржонни алдаб, "Уй дафтари ва режасини олиб келсанг, сени доимий рўйхатга ўтказдириб бераман", деган. У эса бу ҳужжатларни Моҳирага келтириб берган. Қизим ҳужжатларини олиб, Шокиржонни рўйхатдан бутунлай ўчириб юборди. Ўғлим онасининг олдига йиллаб келди. Шундай қилиб, Моҳира биз эрхотин орамизга низо уруғини қадаб қўйди.

Қизимга "Нега бундай қилдинг?" десам, у уялмай-нетмай "Хар иккалангни ҳам қуритаман", дея қўрс жавоб қилди. Сўнг у айтганидан ҳам ўн чандон баттароқ ишларни қилди.

Бир кўни гапдан-гап чиқиб, хотиним билан уришиб қолдим. Маҷитга бориб келгунимча, хотиним кетиб қолди. Уч кундан сўнг у акаси билан келди. Улар мени нотариусга олиб боришиб, уй-жойни менинг номимга қайта ўтказиб

қўйишди-да, ўзлари кетиб қолишди. Мен яна ёлғиз қолдим.

Бу найранларга бош-қош бўлаётган Моҳира энди "меҳрибонлик" қилиб кўнора оват юборилган бўлди. У бир кўни келиб: "Сиз ёлғиз қўйналиб қолянгиз, келингингизни набиранингиз билан қўчириб олиб келиб қўйсам, ис-сик-совуғингизга қараб турардим", дедим мени кўндирди. Улар кўчиб келган, "Уй-жойни набиранингиз Тўлғунжонга ҳада қилиб берасиз" деб, розилигимни олди. Менинг аҳволимдан хабар олиб туришсин деб, уй-жойни вафот этган ўғлимнинг хотини Шоиста келинимга ҳада қилиб берди. Лекин ҳужжатлар расмийлаштириб бўлинган, келиним менга умуман қарамай қўйди. Эрталаб кетиб, кеч келадим. Менга "иш кидириб юрибман" деб ваз-қарсон қўрсатади. Бундай каровизликдан ҳолсизланиб, касал бўлиб ётиб қолдим. Бир ойлардан кейин тузалиб, аҳволимни мушоҳада қилиб кўрдим. Шунда хаёлимга "Фарзандларимга мен эмас, уй-жойим керак экан" деган фикр келди. Ўйлаб-ўйлаб хотиним Анзиратни топиб, у билан ярашдим. Биз Тошкент шаҳридаги туманлардан бирида ижарада яшаб бошладик.

Бир кўни уйимга хабар олгани келсам, шақимдаги нарсаларим тинтилган, тўғиб кетган. 300000 сўмлик жамгарам ҳам йўқ. Шоиста келинимдан шақини ким оғанилигини сўрадим. У қизларим Муборак ва Моҳира оғанини айтди. Учаска инспектори Уктам Турғунов ва маҳалладорларим — Мирзаодил билан Акмални уйга бошлаб қолдим. Инспектор эса қизларимга телефон қилди. Улар теъза етиб келишди. Булган воқеани йилгиланларга айтиб бердим. Улар аввалгилар қилган ишларини тан олмасликка ҳаракат қилишди. Инспектор криминалистарни чақираман деганидан сўнг, фарзандларим айларини тан олишди. Олинган нарсаларини қайтаришларини ваъда қилишди. Лекин милиция капитани Ў.Турғунов буни ҳужжатлаштиришга кўнмади. Оқибатда эса қизларим эртасигаёқ гапларидан тонишди. Шундай қилиб бор-будимдан айрилиб қолдим.

Кишига алам қилар экан. Фарсуда берганман. Уй-жойни қайтариб оламан, унда менинг қар-

зандларимни мурғаклигидан боқиб, ўқитиб, уй-жойли қилсам-у, улар эса кексайганимда мени ҳамма нарсамдан маҳрум этиб, ўзимни тириклайин кўмишга чоғлансалар?!
Нима қилишни билмай, жуда қийналиб кетдим. Ниҳоят, адвокатга муурожаат қилишга мажбур бўлдим. 2002 йили январ ойида Тошкент шаҳридаги туманларро фуқаролик судига ариза бердим. 3 феврал кўни маҳалла посбони Акмал Алихонوف қўлимга суд чақирув қозғонини тутқазса туриб, "Келингингизни ҳам чақирганмиз", — деди.

Мен уйимга келсам, ҳамма фарзандларим жамул-жам экан. Уйга кириб, улар билан кўришиб ўтирдим. Моҳира "Бу нима?" деб менга бир қоғоз тутқазди. Очиб

зим йўқ", дедим. Шунда Моҳира ўрнидан сакраб туриб, шарфини бўйинимга ўраб мени бор кучи билан бўға бошлади. Қарасам, у астойдил бўғишга ҳаракат қилляпти. Уни бир мушт уриб йўқитдим ва бўйинимдаги шарфини ечишга уриндим. Лекин уни ечишга улгурмасимдан ўн томонимда ўтирган ўғлим Фуломжон иргиб туриб белимга мниб олди. Аркон билан қўл-оёқларимни боғлади. Шундан кейин мени кўтариб, ётоқхонамга олиб бориб ётқизишди ва эшикни ташқаридан маҳкамлаб чиқиб кетишди. Мен икки соатлар чамаси қўл-оёқларимни ечишга уриниб кўрдим. Лекин иложи бўлмади, ҳолдан тойдим.

Бир маҳал кеч бўлганда хонага катта қизим Муборак кирди. У чироқни ёқиб, қандайдир дори билан укол қилди. "Шундай қилсам, тинч ётасиз" деб, чиқиб кетди. Шу аҳволда қанча вақт ётганимни билмайман. Бир пайт қўзимни очсам, икки барзанги йилгит қўл-оёғимни ечаётти... Сўнгра улар мени кўтаришиб, дарвозахона олдида турган "Тез ёрдам" автомашинасига ўтказишди. Қоронқи бўлиб қолган экан. Қизларим дарвозани очишди. Улар ўзларининг автомашинасига "Тез ёрдам"нинг ортидан Тошкент шаҳар руҳий касалхонасига боришди. Мени касалхонага жойлаштиришди. У ерда, шу кўн 4 феврал эканлигини билдим. Демак, мен уйда қўл-оёқларим боғланган ҳолда икки кеча-кундуз ётган эканман. Жиннихонада тўрт ой ётдим. Фарзандларимнинг олиб келган нарсаларини олмамди, учрашувга ҳам чиқмадим. Дўхтирларнинг берган дориларини ичмадим, чунки мен жинни эмас эдим.

Қизларим эса "Дадамизни йўқотиб қўйдик", деб, маҳаллага овоза қилишган. Моҳира қаққонлик қилиб, руҳий касалхонадан "Хасан Абдурашидов ақлдан озган" деган ташхис қўйдирилган ҳужжат тайёрлатиб олиб, кўп идораларга маълумот берган.

Йигирма уч кундан сўнгра хотиним ва акиси мени кўргани касалхонага келишди. Аҳволимни қўриб, жуда ачиниб кетишди. Улар ёлиб-югуришиб Республика соғлиқни сақлаш вазирлигидан менинг соғ эканлигим ва касалхонадан олиб чиқиб кетиш ҳақида рухсатнома олиб келишди. Бирок, афсуски, уларнинг ҳаракатлари зор кетди. Моҳира Тошкент шаҳридаги туманларро фуқаролик судидан эру хотин иккимизни ажратиш тўғрисидаги ҳукмини олиб, касалхонага топшириб қўйган экан. Бундай айёрликка ҳаммининг ҳам ақли етавермайди. Қизим бу иш-

ларда ҳам пихини ёрганлардан бўлиб чикди.

Хотиним кўнора келиб, аҳволимдан хабар олиб турди. Руҳий касалхонанинг бўлим мудири Марҳамат оға хотиним билан суҳбатлашиб, барча нохушлиқлар сабабини билганидан сўнг, менинг ҳақиқий аҳволимни тушунди. У Тошкент шаҳридаги руҳий-наркология диспансерига йўлланма берди ва мени касалхонадан чиқариб юборди. Мен у ердаги диспансерга уч ой қатнадим.

Қизим менинг "жиннилимни" ҳақида жуда кўп жойларга маълумот бергани учун 14 ой давомда ҳеч қаердан, ҳатто маҳалладан ҳам маълумотнома ололмадим. Адолатли, ўз ҳақ-ҳуққимни тиклаш учун бош урмаган жойим қолмади. Бирон-бир идора арз-доимини эшитмади. Қарганимда жуда кўп сарсон-саргардон бўлдим. Жинни эмаслигимни, бу борадаги гапларнинг бари — тўхмат эканлигини исботлаш учун Тошкент шаҳридаги туманлардан бирида туманларро фуқаролик суди раисига ариза билан муурожаат қилдим. Раис эса менинг ишимни судя О.Холтўраевга топширди. Судя "Сизга ёрдам бераман, бирок бир неча тиббий комиссиядан ўтишингизга тўғри келадим", деди.

Тиббий комиссияларга қатнаб, тўққиз ойдан кейин Тошкент шаҳридаги Республика суд-психиатрия эксперти комиссиясидан "Хасан Абдурашидовда ҳеч қандай психиатрик касаллик белгиси йўқ, ўзини жуда яхши бошқара олади", деган мазмундаги ижобий ҳужжат олиб келдим.

Дунёда яхши инсонлар йўқ деган ҳаёлга бориб қолгандим. Аммо хато қилган эканман. Адвокатнинг маслаҳати билан Тошкент шаҳар прокуратурасига бордим. У ердагилик барча ҳужжатларимни қўриб чиқиб, ишни шаҳар суди хайъатида ҳал қилиш шарти билан қайтариб беришди. Шаҳар суди ишни хайъатда қўриб чиқиб, ҳамма нарсани менинг фойдамага ҳал қилиб ҳукми чикарди.

Уч йил деганда уй-жойимга қайтардан эга бўлдим, маҳалла-кўй олдида ўз обрўйимни тиклаб олдим. Бу уч йиллик югур-югур машаққатлари менинг соғлигимни ёмонлаштирди. Фарзандларимнинг ҳаммасини оқ қилдим. Менингу гуноҳим — хотиним вафот этиб, бошқа аёлга уйлганимми? Шу билан мен гуноҳор бўлдимми? Бу хотиним бирон фарзандимга ёмонлиқни раво кўрган эмас. Ҳатто маҳалладагилар ҳам уни қаттиқ ҳурмат қилишди. Мен фарзандларимни умрбод кечира олмаيمان. Ҳаммалари олий маълумотли, бола-чақали бўла туриб, элу юрт олдида менинг обрўйимни тўкишди. Ўз отасини бунчалик азоб-қубатга гирифторм қилиш учун одам қанчалик тошбағир бўлиши керак?!
Шу уч йил ичида кўзим хиралашди, қулоғим оғирлашди, асабларим чарчади — ҳудо ҳеч бир отанинг бошига бундай қулларни солмасин..."

Ха, азизлар, қандай аянчли воқеа. Шундай дорилором замонда буларга ўхшаш бемехр, тошбағир фарзандлар қаердан пайдо бўляпти ўзи? Ота нисбатан бундай муносабатда бўлиш ҳеч бир қолига сиймай-диган иш. Ҳадисда айтилишича, отага қўл қўтариш у ёқда турсин, ҳатто у ётган том устига чиқиб ҳам гуноҳи азим ҳисобланади. Бирок бу нобакор фарзандлар ўз отасини ана шундай атақларлашди, хор-зор қилишди. Бундай оқпадар фарзандлардан алҳазор!

SPORT



SOG'LI'G'IM — BOYLI'G'IM

ПИЁДА ЮРИШНИНГ ФОЙДАСИ

Болгарияда нашр қилинадиган "Народен спорт" газетасининг ёзишича, одам бир сутка (кеча-кундуз) мобайнида (уйда, ишда, кўчада) 20000 мартагача қадам ташлар экан. Бу — йил мобайнида 7 млн. 300000 қадам деганидир. Агар шу ҳисоб тўғри бўлса, одам боласи 70 ёшигача 450 млн. қадам ташлайди. Бу эса тахминан 384 мнг километр йўл деганидир. Худди шу сон — Ер сайёрасидан Ойгача бўлган масофани ҳам ифодалайди. Шунингдек, одам 70 йил яшаб, шунча миллион қадам боса-боса, ўзи тўғилган шаҳардан нарига чиқмаёк, дунёдан ўтиб кетиши мумкин. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирда урбанизация (шаҳарлашши жараёни) туфайли, шаҳар аҳолиси орасида "кам-қадам"лар кўпайиб бормоқда. Бу эса уларнинг соғлиғига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги тобора ойдинлашмоқда.

Шундай экан, пиёда юриш — кони фойда эканини унутмаслигимиз керак.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги жамоаси "O'zaloqakonsalting" MCHJ жамият директори Тоҳир Бикметовга падари бузруквори

МУҲАММАДШО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"O'zaloqakonsalting" MCHJ жамоаси жамият директори Тоҳир Бикметовга падари бузруквори

МУҲАММАДШО отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК жамоаси "O'zaloqakonsalting" MCHJ директори Тоҳир Бикметовга отаси

МУҲАММАДШО отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси, «Андижон Телеком» филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабга уюшмаси кўмитаси жамоалари меҳнат фахрийси, Андижон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси марказий телеграф цехи бошлиғи

Маҳмуджон Жўраевнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги 2005 йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини аниқлади.

"ЭНГ ЯХШИ"лар АНИҚЛАНДИ

Ўтган йили мамлакатимиз спортчилари кўплаб нуфузли мусобақаларда зафар қозонишди. Шундан келиб чиққан ҳолда турли номинациялар бўйича голиблар аниқланди. Бокс бўйича ёшлар терма жамоаси ҳамда сув полоси терма жамоамиз "Йилнинг энг кучли спорт жамоаси", Абдулла Тангриев эса "Йилнинг энг кучли полвони" деб топилди. "Йилнинг энг иқтидорли спортчиси" номига енгил атлетикачи Оксана Кот сазовор бўлди.

Шунингдек, энг фаол спорт фахрийси, энг яхши спорт федерацияси, энг яхши спорт фидойиси, энг яхши мурабий, энг адолатли ҳакам, энг яхши спорт мухбири каби номинацияларда ҳам голиблар номи эълон қилинди.

РУСЛАН РАҚИБНИ НОКАУТГА УЧРАТДИ

Яқинда Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган профессионал бокс кечасида оғир вазнли боксчимиз Руслан Чагаев ўзининг навбатдаги жангини ўтказди. Америкалик Роб Кэллоуэга қарши рингга кўтарилган Руслан иккинчи раунддаёқ чап қўлда берган икки кучли зарба билан рақибни нокаутга учратди.

Жангдан олдин мутахассислар Роб Кэллоуэ ҳамюртимизга жиддий қаршилик кўрсатишини тахмин қилишганди. Сабаби, Роб ўзининг сўнгги тўққиз жангини галаба билан яқунлаган, бутун фаолияти давомида 60дан ортиқ жанг ўтказиб, 56 бор галаба қозongan. Унинг ҳисобида 5 мағлубият ва бир дуранг бор. Лекин унинг катта тажрибага эга эканлиги ҳам Чагаевнинг галабали одимини давом эттириши учун тўсқинлик қила олмади.

Эслатиб ўтамай, мазкур икки боксчи 2002 йилнинг октябрида ҳам ўзаро рўбарў келишганди. Ўшанда учинчи раундда Кэллоуэ қаттиқ жароҳат олган ва жанг тўхтатилиб, ҳакамлар техник дуранг эълон қилишган эди.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сенатори Мираброр Усмонов Ўзбекистон Футбол Федерациясининг янги президенти этиб сайланди, деб хабар беради ЎФФ матбуот хизмати.

ЎФФнинг ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛАНДИ



Федерациянинг навбатдан ташқари бўлиб ўтган конференциясида ушбу масала кун тартибига қўйилди. ЎФФнинг олдинги президенти Зокиржон Алматов соғлиғи ёмонлашгани муносабати билан ўз хоҳишига биноан истеъфога чиққанди. Шу сабабли ҳам ушбу лавозимга Тошкент шаҳар футбол федерацияси томонидан Мираброр Усмонов номзоди илгари сурилди. Бошқа номзод қўйилмагани боис, ЎФФ Ижроия кўмитаси аъзолари буни бир овоздан қўллаб-қувватладилар.

ТАЙЁРГАРЛИК ЯКУНЛАНДИ

10 январ куни мамлакатимизнинг олти қарра чемпиони — "Пахтакор" жамоаси раҳбарияти Россия футбол уюшмасига МДХ Кубоги ўйинларида иштирок этадиган футболчилар рўйхатини тақдим этди.



Клуб бош директори Самвел Бабаевнинг таъкидлашича, жамоа МДХ Кубогида галаба қозонишни мақсад қилиб қўйган. Бунинг учун жамоа Бирлашган Араб Амирикларида ўқув-йиғин машғулотларини ўтказди. У ерда учта назорат учрашуви ташкил этилди:

- "ПАХТАКОР" — "ГАНЗА" (Германия) — 1:2
- Голлар: Сервер Желаров 68 — Арвидссон 56, Хансен 73
- "ПАХТАКОР" — «АДЖМАН» (БАА) — 2:0
- Голлар: Анвар Солиев 41, Шухрат Йўлдошев 70
- "ПАХТАКОР" — «ҚАЙРАТ» (Қозғистон) — 2:0
- Голлар: Анвар Солиев, Садриддин Абдуллаев.

МДХ Кубогида мамлакатимиз чемпиони "А" гуруҳида Россия, Грузия ва Эстония чемпионолари билан беллашади. Гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар баҳсни навбатдаги босқичда давом эттиради.

ЧЕМПИОНАТИМИЗ 75-ПОҒОНАДА

Халқор Футбол Тарихи ва Статистикаси Федерацияси (ХФТСФ) 2005 йил якунларига қўра дунёнинг энг кучли чемпионатлари рейтингини эълон қилди. Ўзбекистон чемпионати мазкур рўйхатда 75-поғонани банд этди.

Чемпионатимиз МДХ миқёсида ҳам, Осиё минтақасида ҳам ўзининг ўрнида бормоқда.

Рейтингда кучли бешликни Англия, Италия, Франция, Испания ва Германия чемпионатлари ташкил этган.

Шунингдек, ХФТСФ томонидан ўтган йилнинг энг кучли жамоаси номи ҳам маълум қилинди. Унга қўра, 317 очко тўплаган Англиянинг «Ливерпул» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Италиянинг «Интер»(307), Германиянинг «Бавария»(281), Италиянинг «Милан»(263) ва Россиянинг «ЦСКА» (254) жамоалари банд этган.

Лутфилло ТУРСУНОВ txabar@mail.uz

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Орифжон
МУҲАММАДЖОНОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Иъзат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КЎБЕЕВ
Шокират ОБИДУЖАЕВ
Исрофи САҒИТДИНОВ
Раъшидбек СУЛАЙМОНОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Соҳибжон ҚОСИМОВ

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгalarига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлашиши мумкин.
Наврийдан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Таъжирой материал — ❶.
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.
Рақам ва давраларнинг ҳаққончилиғи учун мақола муаллифи масъулдир.
Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.

Маълумотимиз: 700060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 133-36-48; 136-35-29. **Факс:** 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси.
Манзил: Тошкент шаҳри,
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Ахборот ҳамкоримиз UzInfoCom маркази.

Саҳифаловчи:
А.БҮРИЕВ.

Матн терувчи:
Д.МАТҚУРБОНОВА.


Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

Боснига топширилади — 20.00. Боснига топширилиши вақти — 20.00.

Жамоатчи мухбирларимиз:	Андижонда 46-47-80	Бухорода 226-22-14	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-26-96	Навоийда 222-56-30	Наманганда 26-61-85	Нукусда 222-14-63	Самарқандда 34-06-71	Термизда 224-06-12	Тошкентда 133-36-48	Урганчда 226-43-13	Фарғонада 26-92-03	Қаршида 21-00-14
--------------------------------	-----------------------	-----------------------	------------------------	-----------------------	-----------------------	------------------------	----------------------	-------------------------	-----------------------	------------------------	-----------------------	-----------------------	---------------------

КРОССВОРД



ЭНИГА:

5. Швеция парламенти. 7. Узунлиги 50 сантиметргача етадиган, оғирлиги 2 килограммгача бўладиган балиқ тури. 9. Сувнинг лотинча номи. 10. Кемада ишлатиладиган арқон, ёғоч ёки металл нарвон. 11. Тармоқлар учун жиҳозлар ишлаб чиқарувчи йирик хориж компанияси. 12. Иссиқ ўлкаларда ўсадиган дарахт ва унинг меваси. 14. Африкадаги дарё ва мамлакат номи. 15. Аниқ фан. 16. Кетма-кет бир нечта амалиётларни бажаришга мўлжалланган, қўллаб механизмлардан иборат мураккаб машина. 17. Олтой ўлкасининг маъмурий маркази. 19. Номи испан тилида "қумуш" маъносини англатувчи, аслида эса олтиндан ҳам юқори баҳоланувчи металл. 21. Эрамиздан аввалги I асрда барпо бўлган ва дастлаб Сердика, Средец номлари билан, XIV асрдан эътиборан эса мамлакатдаги энг йирик черков номи билан атала бошланган Европадаги пойтахт-шаҳар. 22. ...-музыка, ...-намойиш — ўтмишга назар. 23. Мексика кўрфазии қирғоқларида жойлашган АҚШ штати. 25. Осиё ва Европани ажратиб турган улкан ҳудуд. 27. Хат, мактуб. 28. Халқ ижодиёти. 29. Вилгелм Конрад ... (1845—1923) — машҳур немис физиги. Унинг ихтироси, айниқса, тиббиётда кенг қўлланилади.

БЎЙИГА:

1. Балиқ увулдириғи, тансиқ таом. 2. Садриддин Айний асари қахрамони. 3. Сўз кўрки — ... 4. Миср ва Австралиянинг пул бирлиги. 5. Эҳтиёж туғдириш мақсадида маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари ва хизмат турлари ҳақида бериладиган ахборот. 6. Узум шакари. 7. Туркия Республикасининг биринчи президенти (1923—1938). 8. Дори тури. 13. Тинч океanning маркази ва жануби-ғарбдаги ороллар мажмуи. 14. Тинчлик рамзи. 17. Грек тилидан таржима қилинганда "ҳаёт ҳақида ёзиш" деган маънони англатувчи касб эгаси. 18. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асари. 19. Карра жадвалига асос солган қадимги мутафаккир. 20. Зардуштийликда ёвузлик тинчсоли. 23. Ўлан, кўшиқ, ... 24. Олдиндан чиқарилган эълон, афиша; ТВ-дастур. 26. Ёш эстрада хонандаси. 27. Сўроқ сўз.

asxabar@mail.uz

ЭНИГА:
1. Биорфа, 2. Липа, 3. Ўқ, 4. Ўқ, 5. Ўқ, 6. Ўқ, 7. Ўқ, 8. Ўқ, 9. Ўқ, 10. Ўқ, 11. Ўқ, 12. Ўқ, 13. Ўқ, 14. Ўқ, 15. Ўқ, 16. Ўқ, 17. Ўқ, 18. Ўқ, 19. Ўқ, 20. Ўқ, 21. Ўқ, 22. Ўқ, 23. Ўқ, 24. Ўқ, 25. Ўқ, 26. Ўқ, 27. Ўқ, 28. Ўқ, 29. Ўқ.

КАВОБЛАР

Бир киши дорихонадан чиқаятган эди, изидан сотувчи кизнинг овози эшитилди:
— Менга қаранг, сизга қалдий глюконат ўронига қалдий цианит бериб юборибман. Тез-да ўзимга қайтаринг.
— Мен уни ичиб қўйдим!
— У ҳолда, — деди сотувчи, — дарҳол қолган пулиниям тўла. Чунки қалдий цианит қалдий глюконатдан кимматроқ туради...

Киз: — Ота, мен кеча сизга айтган йигит билан турмуш қўрмоқчиман.
Ота: — Ахир у билан танишганимга энди ун кун бўлди-ку! Уни ростидан ҳам севасанми?
Киз: — Бу менинг ишим.
Ота: — Хўп, майли. Аммо турмуш қурганларингдан сунг қандай яшайсизлар? Ҳеч ва-қолинг йўқ-ку?
Киз: — Бу сизнинг ишингиз...

Кулги бекати

Кизи офицер отасига ялинди:
— Дада, айтинг, филлар югуришсин!
— Улар чарчади-ку, ахир.
Кизи яна ўша илтимосини такрорлади:
— Дадажон, айтинг, филлар югуришсин!
— Ҳа, майли, ҳеч қўймадинг-қўймадинг-да. Рота! Газ никобларни кийиб, машина-нинг орқасидан югур!

Ошиқ-маъшуклар кинотеатрда севги ҳақидаги филмни томоша қилишмоқда. Киз сўради:
— Нима деб ўйлайсиз, улар охирида турмуш қуришармикан?
— Бу аниқ! Чунки, бундай филмлар кўпинча фожиали ақун топади!

Тўловчи Элдорбек АҚРАМОВ

FILATELISTLAR BURCHAGI

1996 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

"Save the Aral Sea"
(“Оролни қутқариш”) почта блоки.
1996 й. 15 май.
Рассом Д. Муҳаммадҷонов.

Ушбу почта блоки Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркменистон ва Тожикистон алоқа хизмати маъмуриялари иштирокида яратилган биринчи халқаро почта блокидир. Блок бешта маркадан иборат. Маркаларда Орол денгизи ҳавзаси ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари тасвирланган. Уларнинг маркалардаги номи лотин тилида ёзилган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Блокнинг ўлчами 110x127 мм. Марканинг ўлчами 27,5x32,8 мм. Перфорацияси рамкали. Бир блокдаги маркалар сони 5 дона. Адади 50,0 миң дона.



- 113. “Силувсин”.
- 114. “Орол лососи”.
- 115. “Йўл-йўл сиртлон”.
- 116. “Катта амур сохта япалоқтумшук”.
- 117. “Чўртансимон жерех”.

“Олимпиада – 96”
почта маркалари туркуми.
1996 й. 30 июн.
Рассом Ю. Левиновский.

Ҳозирги Олимпия ҳаракати 1996 йилда ўзининг 100 йиллигини нишонлади. Шу йили Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинларида республикамиз номидан илк бор мустақил тарзда иштирок этди.

Туркум тўртта маркадан иборат. Маркалар бир неча рангда ишланган. Офсет усулида босилган. Перфорацияси тарақсимон. Маркаларнинг ўлчами 42x30 мм. Бир варақдаги маркалар сони 36 дона. Туркумининг умумий баъди 812,0 миң дона.



- 118. “Футбол”.
- 119. “От спорти”.
- 120. “Бокс”.
- 121. “Велосипед спорти”.